O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INF.№

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 38 (144)-сон, 2006 йил 28 сентябрь | www.21asr.com

МАЪНАВИЯТ

3 2006 йилда вилоят шаҳар ва қишлоқларида 25 та мактаб қурилди, 27 та мактаб таъмирланди, 49 та билим даргоҳи жорий таъмирдан чиқарилди



МОЛИЯ

8 Солиққа тортиш механизми соддалаштириб борилаётганлиги тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатига тўла мос бўлиб тушмоқда



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

9 БМТни ислоҳ қилиш ва унинг Бош котибини сайлаш масаласи — кун тартибида



Диққат марказида миллий ғоя тарғиботи

O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ОММА ОРАСИДАГИ ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИНИ БОШЛАБ БЕРГАНИ АЙТИЛДИ

ТАН ОЛИБ АЙТИШ КЕРАК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАЗКУР ҚАРОРИ ШУ ЮРТ ФАРЗАНДИМАН, УНИНГ ЭРТАСИ УЧУН БЕФАРҚ ЭМАСМАН, ДЕГУВЧИ ҲАР ҚАНДАЙ ФУҚАРОГА ОДАМЛАР ОНГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР БИРЛАМЧИ ЭКАНЛИГИНИ ЯНА БИР КАРРА АНГЛАТГАНДЕК БЎЛДИ. АЙНИ ПАЙТДА ОДДИЙ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИМИ, МАЪЛУМ БИР ИМТИЁЗЛАРГА ЭГА НАФАҚАДАГИ ИНСОНМИ, ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА САЛОМ-АЛИКНИ ЎРГАТАЁТГАН БОҒЧА ТАРБИЯЧИСИ ЁКИ МАКТАБ МУАЛЛИМИМИ, БОРИНГКИ, КЎКРАГИГА ҒУРУР БИЛАН НИШОН ТАҚҚАН ДЕПУТАТМИ, АНА ШУ МУҲИМ ҲУЖЖАТ МОҲИЯТИНИ АНГЛАШ, УНИНГ ИЖРОСИ УЧУН, ҲЕЧ БЎЛМАСА, ЎЗ АҚЛ-ЗАКОВАТИ, ИНТИЛИШИ ДАРАЖАСИДА ҲИССА ҚЎШИШИ ЛОЗИМЛИГИНИ ҲИС ЭТАЯПТИ.

Солиҳ ЗОИР олган сурат

Давоми 2-саҳифада.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, УНИНГ ОШКОРАЛИГИ ВА БАРҚАРОР ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ, ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ТОМОНИДАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИЛИШИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ, АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги акциядорлик компаниялари ҳамда фонд тузилмалари билан биргаликда ишлаб чиққан 2006-2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш дастури иловага мувофиқ маъқуллансин, унда қуйидаги чора- тадбирлар назарда тутилади:

— корхоналарни тўлиқ давлат тасарруфидан чиқариш ва янги акциядорлик жамиятлари тузиш ҳисобига қимматли қоғозлар бирламчи бозорини янада ривожлантириш;

— қимматли қоғозлар иккиламчи бозори миқёсларини жадал ривожлантириш ва кенгайтириш;

— фонд бозорининг замонавий инфратузилмасини шакллантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

— акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш;

— қимматли қоғозлар бозори учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилишни яхшилаш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ижро этувчи вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Дастурдаги чора-тадбирлар белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини таъминласин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда корпоратив облигациялар чиқариш фақат очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари томонидан:

— облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган кунга аудитор ташкилотининг хулосаси билан тасдиқланган ўз шахсий капитали миқдори доирасида;

Давоми 2-саҳифада.

Устозларни эъзозлаб

Мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига йил сайин катта эътибор қаратилмоқда. Зеро маънавияти бой, соғлом авлод жамият келажагидир. Бу борада устоз-мураббийлар зиммасига катта масъулият юклатилган.

■ **Ўз мухбиримиз**

O`zLiDeP Тошкент шаҳар ва Учтепа туман кенгашлари, туман ҳокимлиги ҳамда Жаҳон тиллари университети билан ҳамкорликда ўтказилган "Мустақил юрт мураббийлари" мавзуидаги тадбирда ана шулар ҳақида сўз юритилди. Унда O`zLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлари, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходимлари, O`zLiDeP фаоллари, университет ўқитувчилари ва талабалари иштирок этдилар.

Учрашувда таълим-тарбия жараёнини ислоҳ этиш, ёшларни аждодларимиз анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган устоз ва мураббийлар шаънига илиқ фикрлар билдирилиб, уларга самимий эҳтиром кўрсатилди.

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан тадбир иштирокчиларидан бир гуруҳига эсдалик совғалари топширилди.

Узоқ ва яқин хорижда

Болқон бўйлаб сафар

АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд Болқон мамлакатлари бўйлаб сафар қилмоқда. Унинг бош мақсади, минтақадаги давлатларнинг НАТОга интеграциялашуви истиқболларини ўрганишдир. Айни пайтда вазир Ироқ ва Афғонистонга ўзининг ҳарбий контингентини юборишни истайдиган кўнгилларни топишни ҳам мўлжаллаб қўйган.

Пентагон раҳбари Болқон бўйлаб сафарни Черногориядан бошлади. Шу йил май ойида ўз мустақиллигини қўлга киритган ана шу кичик республикага келганлар орасида Дональд Рамсфельд АҚШ маъмуриятининг энг мартабали вакили ҳисобланади. Шу боис, америкалик меҳмон энг юксак даражада кутиб олинганига ҳайратланмаса ҳам бўлади.

Черногория мустақилликка эришиши биланоқ Миллий хавфсизлик стратегиясини қабул қилган, унда Европа ва Шимолий Атлантика тузилмаларига, яъни Европа Иттифоқи ва НАТОга киришни муҳим мақсадлардан бири сифатида илгари сурган эди. Черногорияликлар шу йил ноябрь ойида Ригада бўлиб ўтадиган НАТО саммитида мазкур тузилманинг "Тинчлик йўлидаги шериклик" дастури аъзоси бўлишга умид боғламоқдалар. Бундан аввал дастур эшиги улар учун ёпиқ эди. Чунки мамлакат Сербия билан ягона давлат таркибида бўлиб, Белград Гаага трибунали олдидаги ўз мажбуриятларини бажармай келаётганди.

ГУАМнинг қалтис қадами

ГУАМга аъзо мамлакатлар — Грузия, Украина, Озарбойжон ва Молдавия ташқи ишлар вазирлари МДҲдаги можароли ҳудудларда Россия тинчлик ўрнатувчи аскарларининг ўрнини ўзларининг полиция кучлари билан алмаштиришга қарор қилдилар. Айни пайтда Ғарбга мойил тўртлик БМТда Россияга қарши резолюция қабул қилинишига эришмоқ учун зўр бермоқда.

Тўрт давлат ташқи ишлар вазирларининг учрашуви - ҳарбий кенгаши душанба куни БМТ Бош ассамблеясининг 61-сессияси доирасида Нью-Йоркда бўлиб ўтди. Грузия, Украина, Озарбойжон ва Молдавия ташқи сиёсий маҳкамаларининг раҳбарлари МДҲ ҳудудидаги ҳозирча тўхтаб турган можароларни бартараф этиш учун махсус тўпланишди. Россия Днестрбўйи, Абхазия, Жанубий Осетия ва Тоғли Қорабоғдаги зиддиятларни бартараф этишда кафолатли мамлакат сифатида қатнашиб келаётган бўлсада, бу мамлакат вакилларидан ҳеч ким мазкур учрашувга таклиф этилмади. Аксинча, музокараларда АҚШ давлат котиби ёрдамчиси Дэвид Крамер қатнашди. Жаноб Крамер назорати остида қисқа муддат маслаҳатлашиб олганидан кейин вазирлар тўртлиги Грузия ва Молдавия ҳудудларидаги можароли минтақаларга Россия тинчлик ўрнатувчи аскарлари ўрнига ГУАМнинг полиция кучлари келиши керак, дея аҳдлашиб олдилар.

Дилшод ва Элшод — жаҳон чемпиони!

Германияда бокс бўйича ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари муваффақиятли иштирок этди.

■ **Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири**

Нуфузли мусобақада ҳамюртларимиздан Дилшод Маҳмудов ва Элшод Расулов олтин медаль ва жаҳон чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Германия рингларида финалга чиққан тажрибали боксчи Шерзод Ҳусанов ва Жасур Матчонов кумуш, ярим финалгача етиб келган Беҳзод Хидиров ва Шерзод Абдураҳмонов бронза медаль билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 26 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	924,93	1 Миср фунти	214,62	1 Польша злотийси	397,08	10 Жанубий Корея вони	13,02
1 Англия фунт стерлинги	2340,91	1 Исландия кронаси	17,43	1 СДР	1829,68	10 Япония иенаси	105,72
1 Дания кронаси	211,24	1 Канада доллари	1101,17	1 Туркия лираси	809,61	1 Россия рубли	46,11
1 БАА дирҳами	334,84	1 Хитой юани	155,30	1 Швейцария франки	997,80	1 Украина гривнаси	243,52
1 АҚШ доллари	1229,79	1 Малайзия ринггити	334,50	1 ЕВРО	1574,87		

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

ҒОЯ ва эътиқод қанчалик кучли бўлса, шахс унинг рўёби учун шунчалик эҳтирос билан ҳаракат қилади

РАСМИЙ ҲУЖЖАТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

— кейинги уч йил ичида рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидлик жиҳатидан ижобий кўрсаткичларга эга бўлган, аудитор ташкилотининг хулосалари билан тасдиқланган, шунингдек мустақил рейтинг баҳосини олган ОАЖлар;

— эмитентлар томонидан инвесторларга тегишли маблағларни тўлаш бўйича тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банкларининг иштирокида амалга оширилади.

3. Қуйидагилар белгилансин:

— акциядорлик жамиятининг ҳар йилги бизнес-режаси келгуси молия йилининг 1 декабридан кечиктирмай кузатувчи кенгаш мажлисида маъқулланиши лозим;

— акциядорлик жамиятларининг кузатувчи кенгашлари қонунда белгиланган корпоратив бошқарув нормаларига риоя этиш бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишларида ҳар йили ҳисобот берадилар;

— 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан кўпроқ бўлган корхоналарда кузатувчи кенгашлар томонидан тайинланадиган ва уларга ҳисобот берадиган ички аудит хизматлари ташкил этилади;

— устав капиталида давлат акциялари (улушлари) пакети 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказиш учун аудитор ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилади.

4. Солиқ кодексида белгиланган тартибнинг амал қилиши депозитарий хизматлари ва қимматли қоғозлар савдосини ташкил қилиш хизматларига татбиқ этилсин, унга мувофиқ қимматли қоғозлар айланиши бўйича операциялар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади.

5. Белгилансинки, 2006 йилнинг 1 октябридан бошлаб:

— ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав капиталини оширишга йўналтиришда акциядорлар қўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олган даромадлари солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди;

— қимматли қоғозлар бозорида брокерлик (воситачилик) фаолиятини амалга оширувчи микрофирма ва кичик корхоналар ялпи даромаднинг 10 фоизи миқдоридаги ставка бўйича ягона солиқ тўлайдилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда 2007 йилнинг 1 январигача Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда қимматли қоғозлар бозори бўйича амалдаги қонун ҳужжатларининг қоидаларини халқаро стандартларга мувофиқ унификациялаш ва такомиллаштириш назарда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

— қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

— вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 27 сентябрь

ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР,

Бухорода ана шундай шиор остида танлов бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги бир гуруҳ ҳунарманд аёллар катнашиб, тикувчилик, тўқувчилик ва зардўзлик касблари бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этдилар.

«O`zLiDeP — менинг партиям»

Ўз мухбиримиз

Шаҳардаги Кўкалдош мадрасасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси "Аёллар қаноти" бўлимининг раҳбари Ҳаётхон Кўчқорова, шу бўлим етакчи консультанти Муҳаббат Фозилова, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи Зулайхо Каримова, "Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бўлими раиси Дилбар Аҳмедова, партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари Фармон Аминов ва бошқалар тадбирни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, истеъдодли аёлларни маънавий қўллаб-қувватлаш, улар тажрибасини оммалаштириш, жойларда тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш, уйда ўтириб қолган аёлларни фойдали меҳнатга жалб этиш, миллий анъана ва урф-одатларни кенг тарғиб қилиш билан боғлиқ масалалар хусусидаги муҳим вазифаларга тўхталдилар.

Танловда бир нечта номинация бўйича ғолиблар аниқланди. Ғиждувон туманидаги "Камолот" фермер хўжалиги раҳбари, "Шуҳрат" медали соҳибаси O'zLiDeP аъзоси Мўътабар Жабборова ғоявий-тарбиявий соҳадаги кўп қиррали фаолияти учун "Партиянинг энг яхши тарғиботчиси" номинацияси бўйича I-ўринга сазовор бўлди. "Моҳир қўллар" йўналиши бўйича бухоролик аёллар Гулноза Каримова, Гулшан Ортиқова, Санобар Орипова, Истат Яхшибоеванинг ишлари юқори баҳоланди.

Кўрик-танлов давомида, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш, ўз ҳунарини оммалаштириш соҳасида яхши натижаларга эришган ташаббускор аёллар ҳам аниқланди. Жумладан, Шофиркондаги "Ҳилола" кичик корхонаси раҳбари Ҳилола Тўқсонова, юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлаш устаси, ғиждувонлик Олима Файзиева "Энг самарали лойиҳа" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Танловда яхши натижаларга эришган ҳунарманд аёлларга O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, партия вилоят кенгашининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди

26-27 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган бир қатор қонунлар қаторида O`zLiDeP фракцияси томонидан тайёрланган "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди. Моддама-модда бўлиб ўтган муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқиб, қонун ҳужжатини такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Минитехнология — ютуқлар гарови

Сурхондарё. Мамлакатимизда чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларининг 98 фоизи шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилмоқда. Айни пайтда ана шу маҳсулотларнинг бир қисмини фермер хўжаликлари замонавий минитехнологиялар ёрдамида қайта ишлаб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Сурхондарё вилоят кенгаши Денов туманидаги "Афросиёб" савдо-ишлаб чиқариш корхонасида чорвачилик ва мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун ташкил этган ўқув-семинар ана шу мавзуга бағишланди. Уни O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор Аҳмад Нарзуллаев очди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг моҳияти ҳақида атрофлича фикр юритди. Семинарда республика Фермерлар уюшмаси вилоят филиали ҳамда Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси мутахассислари қишлоқ хўжалигида минитехнология ва ихчам ускуналарни жорий этишнинг афзалликлари ҳамда имтиёзлари хусусида тушунча беришди.

Партия фаоллари кўрик-танлови

Самарқанд. Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида "O`zLiDeP — менинг партиям" деб номланган кўрик-танлов ўтказилди.

Тадбирда Тошкент шаҳридаги "Машҳура" фирмасининг Самарқанд филиали раҳбари Д. Ғаффорова ва Пайариқ туманидан партия фаоли Г. Абдувалиева "Партиянинг энг яхши тарғиботчиси" номинацияси бўйича тақдирландилар. Шунингдек, Самарқанд шаҳридан З. Умирова ва Самарқанд туманидан Ш. Зоҳидов "Энг яхши яратилган ижод намунаси" номинацияси ғолиби бўлишди. "Энг самарали миллий лойиҳа" номинацияси бўйича биринчилик Жомбой туманидан партия фаоли А. Ҳамроевага насиб этди.

Айтиш керакки, ҳозирги кунга қадар Пайариқ тумани партия фаоли Г. Абдувалиева ва "Машҳура" фирмасининг Самарқанд филиали раҳбари Д. Ғаффорова Президентнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашга қаратилган қатор амалий чора-тадбирларни йўлга қўйиб, кўплаб хотин-қизларни турли касб-ҳунар эгалари қилиб тарбиялаб, уларни касаначилик сир-асроридан воқиф этиб келмоқдалар.

Фуқаролик жамияти ва ёшлар

Қорақалпоғистон. Беруний туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида "Келажакка — ёшлар нигоҳи билан" мавзуида семинар бўлиб ўтди. Тадбир фуқаролик жамиятини қуришда ёшлар иштироки масаласи, ушбу жараённинг бориши ҳақида уларнинг фикр ва таклифлари муҳокамасига бағишланди.

Семинарда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти илмий ходимлари ва O`zLiDePнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази мутахассисларининг маърузалари тингланди. Шунингдек, тадбирда ёшлар ҳаётидаги мавжуд муаммолар, янги авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишда сиёсий партияларнинг роли ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ўртага ташланиб, уларнинг ечими юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Аёллар сиёсат майдонида

Тошкент шаҳри. Партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партиялардаги "Аёллар қаноти"нинг роли" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" номли маърузасида мамлакат тараққиётининг устувор йўналишлари ва стратегик вазифалар белгилаб берилган. Айтиш керакки, ушбу маърузада илгари сурилган фикр-мулоҳазалар, аниқ мақсад ва ғоялар нафақат ўзимизда, балки жаҳон жамоатчилигида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

ФРАКЦИЯ МАЖЛИСИДА

Диққат марказида миллий ғоя тарғиботи

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Парламентдаги O`zLiDeP фракциясининг кенгайтирилган мажлисида ҳам қарорга нисбатан масъулият ва яна бир карра масъулият билан ёндашиш лозимлиги, унинг ижроси учун барча бирдек жавобгар эканлиги таъкидланди. Ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга, энг аввало, сиёсий партиялар дахлдорлик намунасини кўрсатишлари лозимлиги қайта-қайта такрорланди.

Фракция аъзолари, партиядан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар ва йирик бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари қатнашган мазкур тадбирда миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил этиш ва баҳолаш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали услубларни ишлаб чиқиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирда сўзга чиққан O`zLiDeP фракцияси аъзолари ва партия фаоллари маънавиятимизнинг қадимий илдизлари ва манбаларини аҳолининг кенг қатламлари орасида тарғиб қилишда партия негизи бўлган бошланғич ташкилотлар орқали меҳнат жамоалари, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларга бевосита кириб бориш ва бу жараёнларда бошланғич ташкилотлар роли ва масъулиятини кучайтириш лозимлигини таъкидладилар. Шунингдек, бугун мавжуд барча сиёсий партиялар орасида илк бор O`zLiDeP ҳузурида сиёсий таълим бериш соҳасида ягона тизим йўлга қўйилганлиги ва бу тизим орқали сиёсий-маънавий жиҳатдан етук кадрлар захираси шакланаётганлиги мазкур қарор бандларига ҳамоҳанг эканлиги тилга олинди.

Шу ўринда яна бир муҳим масалани таъкидлаш лозим. Мажлисда O`zLiDeP ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликнинг йил сайин кенгайиб бораётганлиги, хусусан, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва O`zLiDeP ўртасида имзоланган бош битим ҳар иккала ташкилот томонидан жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини оширишга қаратилганлиги таъкидланди.

Хуллас, O`zLiDeP сиёсий партиялар орасида биринчи бўлиб Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказига ўз ҳамкорлигини таклиф этди. Бошқача айтганда, етти мингдан зиёд бошланғич партия ташкилоти ва 140 мингдан зиёд аъзоси бўлган O`zLiDeP Президент қароридан сўнг ана шу нуфузли идоралар билан бу борада биргаликда олиб борилаётган ишларни сифат жиҳатидан юқори поғонага кўтаришга киришди, дейиш мумкин.

Мажлисда йирик олимларимизнинг шу хусусдаги фикр-мулоҳазаларига муносабат билдирилар экан, она-Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш орқали ёшларимиз онгида юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини шакллантиришда сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ёшлар масалалари билан шуғулланувчи масъул идоралар жавобгарликни бирдек ҳис этишлари лозимлигига эътибор қаратилди. Соҳа мутасаддиларининг чиқишларида эса, мазкур қарорнинг аввалгиларидан фарқли томонлари, ҳаётийлиги ва энг асосийси — унга юзаки ёндашиб бўлмаслиги алоҳида таъкидланди.

Фракция мажлисида халқаро майдондаги воқеалардан тортиб мактаб ўқувчилари дафтарларидаги суратларгача муносабат билдирилди.

Ҳазрат Навоийнинг маънавият хусусидаги бой мероси, Абдулла Қаҳҳорнинг шу хусусдаги мулоҳазалари ёдга олинди. Ҳатто яқиндагина фойдаланишга топширилган янги ҳалқа йўл бўйига осиб қўйилган ижтимоий мавзудаги рекламаларнинг акс таъсири ҳақида ҳам фикр юритилди.

Айниқса, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари Муҳаммаджон Қуронов, Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматовнинг чиқишларидан сўнг, O`zLiDeP раҳбарияти ушбу марказлар билан жиддий ҳамкорлик қилиш бўйича аниқ таклифларни илгари сурди.

Бундан ташқари, партия нашри орқали доимий рукнлар ташкил этиш, шу соҳага оид адабиётлар яратишда O`zLiDeP имкониятларидан унумли фойдаланиш ва энг муҳими — партиянинг Сиёсий таълим марказлари билан соҳа мутасаддиларининг ҳамкорлигини йўлга қўйишгача бўлган масалалар мажлисдан кейинги ўзаро мулоқотларнинг ҳам асосий мавзуи бўлди.

Мажлис сўнгида давлатимиз раҳбарининг мазкур қароридан келиб чиқадиган партия тузилмалари олдида турган аниқ йўналишлар ва устувор вазифалар белгиланди. Бу вазифаларни амалга оширишда O`zLiDeP ва Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

ИЛМДА кучли бўлган ва унга ихлос қўйган ўқитувчигина жами ўқувчиларга самарали таъсир кўрсата олиши мумкин

САНА

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Келажак — маънавиятли авлод қўлида

Иқтисодиёт билан ахлоқ, моддий эҳтиёж билан маънавий зарурат ўртасида мутаносиблик бўлгандагина, мамлакат тараққиёт сари юз тутади. Бугунги кунда республикамизда маънавий муҳитнинг соғломлиги туфайли ҳам ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Чунки ҳар қандай моддий манфаатдорлик, ҳар қандай иқтисодий равнақ бевосита маънавий етуклик ва баркамоллик мезонлари билан ўлчанади.

«СОҒЛОМ АВЛОД ДЕГАНДА, БИЗ ФАҚАТГИНА ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ ЭМАС, БАЛКИ МАЪНАВИЙ БОЙ АВЛОДНИ ҲАМ КЎЗДА ТУТГАНМИЗ. ЧУНКИ ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ АВЛОДГА ЭГА БЎЛГАН ХАЛҚНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ЕНГИБ БЎЛМАЙДИ».

ИСЛОМ КАРИМОВ

Ботир АБДУЛЛАЕВ, Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи



Шу боис, мамлакатимизда мустақилликнинг илк давр-лариданоқ келажагимиз ҳисобланмиш баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Маънавият пойдевори ҳисобланмиш умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни етук мутахассис кадрлар билан таъминлашга давлат сиёсати даражасида аҳамият берилмоқда. Таълим тизимини бутунлай ислоҳ этишга жиддий киришилди. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг самараси бугун кўзга яққол ташланиб турибди.

Айни пайтда вилоятимизда 1096 та умумтаълим ўрта мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларда 52583 нафар олий, 1514 нафар тўлиқсиз олий ва 17246 нафар ўрта махсус маълумотли ўқитувчи 604227 нафар ўқувчига таълим-тарбия бермоқда.

Ҳар қандай иш ижобий натижа берган тақдирдагина, салмоқли аҳамият касб этади. Шу маънода вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги барча билим даргоҳларида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида иш олиб борилиб, муайян муваффақиятларга эришилмоқда.

Масалан, ўтган ўқув йилида вилоят халқ таълими бошқармаси ўқув-тарбия ва бошқа масалалар юзасидан белгиланган режаларни барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарди. Бошқарма ва унинг жойлардаги бўлимлари, таълим-тарбия муассасалари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бекаму кўст адо этиш учун бор имкониятларини сафарбар этдилар. Натижада ўқув йили муваффақиятли якунланди. Умумтаълим мактабларида давоматнинг 98,3 фоиз, сифат кўрсаткичининг 87,6 фоиз бажарилишига эришилди. Агар рақамлар тили билан айтадиган бўлсак, 9-синфни тугатган 60954 нафар ўқувчидан 35360 нафарига касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга йўлланма берилди. Улар айни пайтда ушбу таълим муассасаларида ўқишни давом эттирмоқдалар. 11-синфни битирган йигит-қизларимизнинг 16,3 фоизи олий ўқув юртларига қабул қилинди.

Жорий йил бошида умумтаълим мактабларининг ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида ўтказилган фан олимпиадаларида 1250 нафар бола фаол иштирок этди. Уларнинг 17 нафари ушбу беллашувларнинг республика босқичида қатнашди. Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, олимпиада иштирокчиларининг 4 нафари мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб, муддатидан олдин олий ўқув юртларига қабул қилиндилар. 3 нафар ўқувчимиз халқаро олимпиадаларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Китоб туманидаги 8-ихтисослашган мактаб-интернатнинг педагоглар жамоаси "Йилнинг энг яхши мактаби — 2005" республика кўрик-танловида фахрли 2-ўринни эгаллади. "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" йўналиши бўйича ўтказилган мусобақада эса, вилоятимизнинг 7 нафар вакили совринли ўринларни қўлга киритди.

Ўқитувчилар ва ўқувчилар камолотини таъминлашга қаратилган тадбирлар ҳамда уларнинг натижалари олиб бораётган ташкилий-тарбиявий ишларимизнинг ёрқин кўзгусидир. Шу боис, педагоглар жамоалари ҳамда бевосита тизим кадрлари ва ўқувчилар истеъдодини аниқлашга бағишланган тадбирларни ўтказишга алоҳида аҳамият қаратаяпмиз. Масалан, ўтган ўқув йилида вилоят миқёсида турли йўналишларда 64 та кўрик-танлов ўтказдик. Уларда 485 нафар ўқитувчи ва 108 нафар ўқувчи ўз маҳорати ва иқтидорини намойиш этди.

Ўтган йили Қарши шаҳрида "Умид ниҳоллари—2005" спорт мусобақалари ташкил этилганлиги вилоятимиз таълим тизими муассасалари учун ҳақиқий имтиҳон бўлди. Тадбирга бошқа мутасадди ташкилот ва идоралар қатори вилоят халқ таълими бошқармаси ҳам жуда катта тайёргарлик кўрди. Республика миқёсидаги ушбу ажойиб спорт анжуманида вилоятимиз ўқувчилари ҳам фаол иштирок этдилар. Мусобақа натижаларига кўра, қашқадарёлик ўқувчилар спортнинг футбол, миллий кураш турлари бўйича биринчи, волейбол, қўл тўпи ва шахмат бўйича иккинчи, гимнастикадан учинчи, умумжамоа ҳисобида эса иккинчи ўринларни эгаллаб, мамлакатимиз Президентининг "Дамас" автомашинаси билан мукофотландилар.

Умуман олганда, кейинги йилларда вилоятимиз ўқувчи-спортчиларининг турли мусобақаларда эришаётган муваффақиятлари диққатга сазовор бўлмоқда. Масалан, ўтган йили Чироқчи туманидаги 37-махсус мактаб-интернатнинг беш нафар тарбияланувчиси Халқаро Спейшл Олимпикс ташкилоти ташаббуси билан Навоий шаҳрида ўтказилган олимпиадада иштирок этиб, 5 та олтин медални қўлга киритди. Қарши шаҳридаги махсус мактаб-интернатда ўтказилган енгил атлетика ва шахмат-шашка бўйича республика мусобақасида вакилларимиз биринчи ўринни эгаллашди.Бундай муваффақиятларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Айни пайтда вилоятимиз мактабларида 2809 та спорт майдони, жумладан, 2186 та баскетбол, 1082 та волейбол, 544 та қўл тўпи, 697 та футбол майдончалари, 112 та гимнастика шаҳарчаси, 44 та отиш тири ва 451 та ёпиқ спорт зали ишлаб турибди. Жисмоний тарбия ўқитувчилари, спорт мураббийлари эса, вилоятимизда болалар спорти шуҳратини ошириш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар.

АЙНИ ПАЙТДА ВИЛОЯТИМИЗДА 1096 ТА УМУМТАЪЛИМ ЎРТА МАКТАБИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. УЛАРДА 52583 НАФАР ОЛИЙ, 1514 НАФАР ТЎЛИҚСИЗ ОЛИЙ ВА 17246 НАФАР ЎРТА МАХСУС МАЪЛУМОТЛИ ЎҚИТУВЧИ 604227 НАФАР ЎҚУВЧИГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРМОҚДА.

Халқ таълими бошқармаси ходимлари ўқув-тарбия ишларини янада юқори даражада ташкил этиш мақсадида турли жамоат ташкилотлари, жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ, "Маҳалла" ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари билан ҳамкорликда иш олиб бораяптилар. Ўзаро саъй-ҳаракатлар натижасида жойларда Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида кўплаб ибратли тадбирлар ўтказдик. Айниқса, Ватан ҳимоячилари куни, Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, "Наврўз" байрамлари, Истиқлолнинг 15 йиллигига бағишланган тантаналарни кўтаринки руҳда ўтказдик. Қарши давлат университети билан ҳамкорликда "Қарши — 2700 ёшда" мавзуида илмий-амалий семинар ташкил этдик.

Мамлакатимиз раҳбарининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу масалага оид махсус қароридан сўнг, барча жойларда бўлгани каби Қашқадарёда ҳам таълим тизимини бутунлай янгилаш ва ислоҳ этишга киришилди. Жумладан, 2006 йилда вилоят шаҳар ва қишлоқларида 25 та мактаб қурилди, 27 та мактаб реконструкция қилинди, 48 та билим даргоҳи мукаммал, 49 таси жорий таъмирдан чиқарилди. Янги мактаблар қуриш, мавжудларини замонага мослаштириш, уларни тегишли ўқув жиҳозлари, дарсликлар билан таъминлаш ишлари айни пайтда ҳам жадал давом этмоқда. Бу эса, ўз навбатида узлуксиз таълим жараёнини таъминлаш имконини бермоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкин, вилоятимиз халқ таълими тизими ходимлари ўғил-қизларимизни миллий истиқлол ғояларини чуқур англаб етган, миллат, Ватан, халқ истиқболи учун жонкуяр, юртимизнинг фаровон ва бахтли келажагини таъминлашдек масъулиятли ҳамда шарафли вазифаларни сидқидилдан адо этадиган етук авлодни тарбиялаш учун бор имкониятларини бундан кейин ҳам сафарбар этаверадилар.

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Банклар ассоциацияси Аукцион савдоларини ташкил этиш агентлигининг Сурхондарё филиали 2006 йил 28,30,31 октябрь кунлари ўтказиладиган кимошди савдоларига Термиз туман суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Термиз туман "Янгиариқ" ширкат хўжалигига қарашли қуйидаги мулкни савдога қўяди:

1."Янгиариқ" ширкат хўжалиги
13- бригадасида жойлашган хирмонжой биноси.
Бошланғич баҳоси — 351704 сўм.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хона.
Телефон: 222-81-09, 22-68-321.

Харидорлар савдо бошланишидан уч кун олдин ЎБМ Сурхондарё филиалининг Аукцион савдоларини ташкил этиш агентлиги ҳисобварағига мулк бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт.

Ҳисобвараги: 20208000404277899010.
Ипотека банки, Термиз шаҳар бўлими. МФО: 00356.

БУГУННИНГ ГАПИ

Юртимизда турли касб-ҳунар ўргатувчи ўқув курсларининг ташкил этилиши, уларда кўплаб йигит-қизларимиз таълим олаётгани азалий анъаналаримизнинг ҳаётбахшлигидан далолатдир. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган "Оила зийнати" ўқув маркази ҳам ана шундай ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади.

Маъмура опанинг мактаби

ЁКИ ПОЙТАХТДАГИ «ОИЛА ЗИЙНАТИ» ЎҚУВ МАРКАЗИ РАҲБАРИ, O`ZLIDEP АЪЗОСИ МАЪМУРА ҚУДРАТОВА ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Феруза ЭГАМОВА, «XXI asr» мухбири

Аммо унинг турдош масканлардан фарқли бир томони бор: ушбу марказ тижорат мақсадини кўзда тутмайди. Бу ерда асосан кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ҳамда имконияти чекланган қизларга бепул касб-ҳунар ўргатилади.

— Юртдошларимизга беминнат наф келтирадиган ўқув курси очиш ниятини ўзим пуллик курсда ўқиб юрган пайтларда дилимга тугиб қўйган эдим, - дейди марказ раҳбари, O`zLiDeP аъзоси Маъмура Қудратова. — Чунки, ўшанда мен билан бирга ҳунар ўрганаётган баъзи қизлар ўз вақтида пул тўлашга қийналишар, бу эса уларнинг касб сирларини ўзлаштиришларига салбий таъсир кўрсатарди.

Опа эзгу ниятини 2002 йилда амалга оширди. Иш бошлаган кезлари анча-мунча қийинчиликларга дуч келгани ҳам рост. Молиявий муаммолар туфайли дастлаб таниш-билиш, хайрихоҳ ўқитувчиларнинг кўмагидан ҳам фойдаланишга мажбур бўлди.

Чунки тиниб-тинчимас тадбиркор аёлнинг бирдан-бир мақсади — қандай бўлмасин ишни йўлга қўйиб олиш эди. Ҳаракатлари зое кетмади. Айниқса, шу йилнинг март ойида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари ассоциацияси ҳамда Нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш фондининг грантига сазовор бўлгач, ишлари юришиб кетди.

Бугун марказ қизларга ҳунар сирларидан сабоқ берувчи ўқитувчиларга меҳнат ҳақи тўлаш имкониятига эга. Энг муҳими, таълим сифати яхшиланди...

Маъмура опанинг нияти шогирдларига фақат касб-ҳунар сирларини ўргатишгина эмас, балки уларни ишга жойлаштириш ҳамдир. Шу боис, партия фаоли тиниб-тинчимади. Турли мутасадди идораларга мурожаат этиб, бирин-кетин ушбу муаммони ҳал эта бошлади.

— Яқинда марказга Собир Раҳимов туманидаги "Умид" маҳалласидан тикув цехи учун иккита хона ажратилди, — дейди у мамнун бўлиб. — Энди қизларимизни иш билан таъминлаш ҳамда ён-атрофдаги чевар аёлларнинг касаначилик асосида ишлашлари учун ҳам етарли шароитга эгамиз.

Излаган имкон топар, деб бежиз айтилмаган. Маъмура опа тикувчиларига хомашё топиб беришнинг ҳам ўзига хос йўлини топди: бозорларда савдо шахобчаларига эга бўлган тадбиркорлар билан келишиб, улар берган матолардан ва уларнинг буюртмалари асосида тайёр маҳсулот тайёрлашни кўзда тутмоқда. Касаначи ва чеварлар эса, шу ҳисобдан ўз вақтида маош олишади.

Ишнинг бу усулда ташкил этилиши фарзанд тарбияси билан шуғулланаётган маҳалла аёллари учун айни муддао бўлди. Улар касаначилик билан шуғулланиб, ўзларининг иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш, оилага моддий манфаат келтириш имкониятига эга бўлдилар.

Маъмура опага айрим давраларда: "Ўқув маркази очибсан. Бу — яхши. Аммо шунча ғалвани зиммангга олганингга яраша дурустроқ даромад қилаяпсанми?" дегувчилар ҳам учраб турибди. "Маъмурага Худо бериб қолди. Ҳадемай пулининг ҳисобига етолмай қолса керак", деяётганлар ҳам йўқ эмас.

— Нима ҳам дердим, ўзбекчилик ахир, — дейди тадбиркор кулиб. — Ҳавас қилганлар яхши гапиришади, кўролмаганлар эса ҳали йўқ пулимга ҳасад қилиб юраверишсин. Лекин партиямизнинг туман, шаҳар кенгашларига, шунингдек, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари раҳбарларига, маҳалла оқсоқолларига катта раҳмат. Улар тўғри маслаҳатлари, йўл-йўриқлари билан яқиндан кўмак беришаяпти.

Марказнинг тикув цехида бўлганимизда, унинг битирувчилари томонидан тайёрланган бежирим, хорижникидан асло қолишмайдиган уст-бошларни кўриб, улар маҳоратига тан бердик. Қўли гул қиз-жувонлар учун ўз иқтидорларини намоён этишга шароит яратиб бераётган "Оила зийнати"нинг ташкилотчиси ва раҳбарига ҳавасимиз келди. Ана шундай бағрикенг, ҳаракатчан инсонлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

ЖАРАЁН

FOЯ йўлчи юлдуздир. Усиз аниқ йўлни топиш мушкул

СЕМИНАР

Замонавий технологияларга таяниб...

"Қаршиёғэкстракция" акциядорлик жамиятида кўргазмали семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. 2006 йилги пахта ҳосилидан олинадиган техник чигитни самарали қайта ишлаш, ишлаб чиқариладиган рафинацияланмаган ва рафинацияланган пахта ёғининг чиқишини ошириш ва сифатини яхшилаш, замонавий техника ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳамда пахта тозалаш заводларидан чигитни ташиб олиш масалаларига бағишланган ушбу анжуманда тармоқнинг юқори идоралари раҳбар ва мутахассислари, корхоналарнинг раҳбарлари, бош муҳандис ва лаборатория мудирлари ҳамда хорижий фирмаларнинг вакиллари иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз

Дастлаб семинар қатнашчилари "Қаршиёғэкстракция" АЖ цехларида бўлиб, ёғ маҳсулоти ишлаб чиқаришда қўлланилаётган замонавий технологиялар билан танишдилар.

Бир қатор қизиқарли маърузалар бўлди. Таъкидландики, техник чигитни қайта ишлаб, тайёрланадиган пахта ёғининг сифати ва миқдорини ошириш бевосита ишлаб чиқаришга илғор техника ва замонавий технологияларни жорий этиш билан боғлиқ. Бугунги кунда чигитни қайта ишлаш корхоналаридаги технологияларнинг 60-70 фоизи эскириб қолган. Уларни зудлик билан янгиларига алмаштириш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш ва корхона иқтисодиётини кўтаришда муҳим омил бўлади. Эндиликда чигит фақат давлат стандарти талабларига мувофиқ келадиган, сифатли ёғ маҳсулоти ишлаб чиқара оладиган корхоналаргагина берилади.

Семинарда рафинацияланган пахта ёғини вертикал фильтрда тозалаш ускунасини, ИСО 9001 халқаро стандартлари бўйича сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш, чигит вазнини "Норма-ТН-1" бункерли тарозида ҳисоблаш электрон тизими, ток кучи частотасини ўзгартириш электрон мосламасидан фойдаланиш тўғрисида Украинанинг ТАН фирмаси, "Катри восток" қўшма корхонаси, "Механотрон" ва "Азия Триол" илмий-ишлаб чиқариш корхоналари вакилларининг тавсиялари билан танишилди.

Анжуманда Қашқадарё вилоят ҳокими Н. Зайниев иштирок этди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Фоявий чиниқиш йўлида

O`zLiDeP Бухоро вилояти кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим марказида ўтказиб келинаётган "Аҳоли ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш борасида бошланғич ташкилотлар ва партия фаолларининг роли" мавзуидаги доимий фаолият юритувчи семинарга қизиқиш тобора ошиб бормоқда.

Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири

Шу йил май-август ойларида ташкил этилган 3-босқич ўқувларида вилоятдаги кўплаб БПТ раислари иштирок этиб, ўз билимларини бойитдилар. Партиявий топшириқларнинг ижросини таъминлаш юзасидан уларга зарур йўл-йўриқ ва кўрсатмалар берилди.

Барча шаҳар ва туманларда қатъий режа асосида олиб борилган машғулотлар давомида аҳоли, жумладан, ёшлар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, уларни турли ахборот хуружлари ва вайронкор мафкуралардан ҳимоя қилиш борасида O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари олдида турган вазифалар, фуқаролик жамиятини шакллантиришда жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни, O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, партия таркибини сифат жиҳатидан яхшилаш ва янада мустаҳкамлаш масалаларига оид маърузалар тингланди.

Хусусан, "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими раҳбари, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби, фалсафа фанлари номзоди Ортиқ Вафоев, партия вилоят кенгаши аъзоси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Дилбар Ахмедова, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Бухоро филиали директори Шуҳрат Бафоев, партия вилоят кенгаши раиси ўринбосарлари — Салим Болтаев, Фармон Аминов ва бошқаларнинг чиқишлари тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир давомида партия аъзолигига номзодларни танлаш ва қабул жараёнларини такомиллаштириш, партиявий кадрлар захирасини шакллантириш, депутатлик гуруҳлари фаолиятини яхшилаш, хотин-қизлар ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, БПТ раисларининг бу борадаги ролини ошириш масалалари хусусида фикр ва тажриба алмашинди, тўпланганларга аниқ тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Таъкидлаш жоизки, доимий семинар машғулотлари, хусусан, Бухоро, Косон ва Галосиё шаҳарлари, Қоровулбозор, Вобкент, Шофиркон, Ғиждувон, Жондор, Олот, Пешку, Ромитан, Қоракўл туманларида юқори савияда ташкил этилмоқда. Бу эса тингловчиларнинг ғоявий-сиёсий билим даражасини ошириш, уларни янги меҳнат зафарлари сари руҳлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

«XXI ASR» ХАТҚЎТИСИДАН



ҚУТЛОВ

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

Жавобларни "ALAFIA" адвокатлик фирмасининг адвокати Акром БЕРДИМУРОДОВ тайёрлади

Оддий тилхат ҳам — ҳужжат

"Ўтган йили бир танишим мендан "Уч ойда қайтариб бераман", деб қарзга пул олган эди. Лекин сўзида турмади. Ҳалигача ёлғон ваъдалар билан алдаб келмоқда. Энди мен у билан судлашмоқчиман. Айтинг-чи, қарз олганлик тўғрисидаги тилхат юридик ҳужжат ўрнига ўтадими?
Нигора РАУПОВА.
Тошкент шаҳри".

— Ушбу масала юзасидан томонлар ўртасида низо келиб чиққан тақдирда, қарз олувчининг тилхати юридик ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Фуқаролик кодексининг 169-моддасига кўра, битимнинг ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўла олмайди. Бундай ҳолда тарафлар битимнинг тузилган муддати, мазмуни, унинг бажарилган ёки бажарилмаганлигини ёзма равишда, шунингдек, бошқа далиллар билан тасдиқлаш ҳуқуқига эгадирлар. Лекин, шуни унутмаслик керакки, қарз шартномасида кўрсатилган сумма энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробаридан ортиқ бўлса, у ҳолда масала нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Васиятни ўзгартириб бўлмайди!

"Мен эрим ва икки нафар фарзандим билан қайнотамнинг уйида рўйхатда турамиз. Қайнотам эса бошқа жойда яшайдилар. Қайнсинглимнинг ҳам ўз оиласи бор. Агар қайнотам уйни қайнсинглимга мерос қилиб қолдирадиган бўлса, биз қандай йўл тутишимиз керак?
Гулсанам МАЖИДОВА.
Сурхондарё".

— Амалдаги қонун-қоидаларга кўра, агар қайнотангиз васият қолдирмаса, яшаш жойи бор-йўқлигидан қатъий назар, тегишли мерос эрингиз ва унинг синглиси ўртасида тенг тақсимланади.Шуни унутмаслик керакки, қайнотангиз фарзандларини меросхўрлик ҳуқуқидан маҳрум этиб, уни ўзи хоҳлаган жисмоний шахсга қолдириш ҳуқуқига (ФКнинг 1420-моддаси) эгадир. Мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз фарзандлари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, меҳнатга қобилиятсиз ота-онаси, васиятнома мазмунидан қатъий назар, қонун бўйича улар тегишли улушнинг камида ярми учун меросхўр ҳисобланади.

Агар сиз васиятда меросхўр сифатида қайд этилмаган бўлсангиз, уни ўзгартиришга ҳаққингиз йўқ.

Сифатсиз маҳсулот учун ким жавобгар?

"Яқинда мен "Чорсу" буюм бозоридан чиройли қутига жойланган кўйлак сотиб олдим. Уйга келиб кийиб кўрсам, бир енги калта чиқди. Эртасига сотувчи "Менинг айбим билан бўлган эмас", деб уни алмаштириб беришдан бош тортди. Айтинг-чи, истеъмолчи сифатида мен қандай ҳуқуқларга эгаман?
Санжар ҚУРБОНОВ,
Тошкент шаҳри".

— Билсангиз, республикамизда "Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш тўғрисида"ги қонун мавжуд. Унга мувофиқ, камчилик ёки нуқсони бўлган маҳсулот сотилган тақдирда, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра уни ўша русумдаги сифатли маҳсулотга алмаштириш, харид нархини камайтириш, шунингдек, сарфланган харажат зарарини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчи даъвоси қабул қилинмаган тақдирда тегишли тартибда судга ариза билан мурожаат қилиш мумкин. Бундай ҳолларда сиз давлат божини тўлашдан озод этиласиз.

Бу имтиёздан фойдалана олмайсиз

"Отам Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлиб, яқинда оламдан ўтдилар. У киши қонун бўйича ер солиғини тўлашдан озод этилгандилар. Айтинг-чи, мен уларнинг имтиёзларидан фойдалана оламанми?
Улуғбек МУСТАФОҚУЛОВ.
Тошкент вилояти".

— Ер солиғини белгилаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳақиқатан ҳам ер солиғидан озод этилганлар. Бу имтиёздан уларнинг оила аъзолари ҳам фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Бироқ отангиз вафот этгани боис, сиз бу имтиёздан фойдалана олмайсиз.

АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!
Биз Сизни қизиқтирган саволларга жавоб беришдан доимо мамнунмиз. Марҳамат, саволларингизни қуйидаги манзилга йўллашингиз мумкин: 700051, Тошкент шаҳри, «Нукус» кўчаси, 73а-уй. Мурожаат учун телефон: 55-70-16.

ФЕРМЕРЛАР БУГУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕТАКЧИ КУЧГА АЙЛАНДИ, ДЕЙИШ МУМКИН. МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИ ЕР ЎЗИНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ.

АЙНИ ПАЙТДА «ГУЛНОРА» ФИРМАСИДА 80 НАФАР ҚЎЛИ ГУЛ ТИКУВЧИ БЎЛИБ, УЛАР КУЧ-ҒАЙРАТИ БИЛАН 20 ХИЛДАГИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЯПТИ.

«XXI ASR» IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI WWW.21ASR.COM

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ҲАЁТ КЕМАСИ МЕҲНАТ ЛАНГАРИГА СУЯНМАСА, ШАМОЛЛАРУ ДОВУЛЛАРГА ДОШ БЕРОЛМАЙДИ

Мўлжал бир юз олти тонна

СОФ ФОЙДА ЭСА ЎТТИЗ МИЛЛИОНДАН ОШАДИ!

Мустақилликнинг 15 йиллиги муносабати билан Булоқбоши тумани Найман қишлоғидаги «Маъмир ота» фермер хўжалиги раҳбари, БПТ раиси Тожибархон Қорақўзиева «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.

Маънавий рағбат инсонга кўрсатилган катта эътибор, дейишади. Тожибархон Қорақўзиева бир неча йилдирки, партия ғояларини тарғиб қилиш, омманинг сиёсий фаоллигини ошириш йўлида жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Ўзи фермерлик ҳаракатининг қалдирғочларидан.

■ Аъзам ҚОДИРОВ, «XXI asr» мухбири

Айни кунда меҳнат фаолиятини сиёсий етакчилик билан қўшиб олиб бораётган Т. Қорақўзиевани нафақат туманда, балки вилоятда ҳам яхши биладилар. У ўз қишлоғи кўчаларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, мактаб ва боғчаларни таъмирлаш, эҳтиёжмандларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, туман миқёсида турли спорт мусобақалари, кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш борасида ташаббускор бўлаётган сафдошларимиздан.

— Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, жумладан иқтисодиётда фермерлар улуши йил сайин ошиб бормоқда, — дейди Тожибар опа. — Институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, қишлоғимиздаги "Шарқ юлдузи" колхозида дастлаб иқтисодчи, кейинчалик бошқа лавозимларда фаолият кўрсатган пайтларимда, фермерлик ҳаракати эндигина қанот ёза бошлаган эди.

Эсимда, хотин-қизлар қўмитасига етакчилик қилардим. Лекин ўз ишимдан кўнглим тўлмасди. Вазифамдан бўшаб, фермерлик қила бошладим. Аризамга мувофиқ 10 гектар ер беришди. Уч йилдан сўнг 14 гектар ер қўшиб беришди. Эндиликда ўз техникамиз ва ишчи кучимизга эгамиз. Лизинг асосида ТТЗ 80-11 русумли транспорт трактори сотиб олдик. Яна бир техникамиз ҳайдов ишлари учун ажратилган.

Очиғи, ҳозирча нимагаки эришган бўлсак, бари ҳалол меҳнатимиз туфайлидир. Ширкат хўжаликлари тугатилиши муносабати билан ўтказилган тендер танловида иштирок этиб, қўшимча 24 гектар ер олишга муваффақ бўлдик. Бу — бизга билдирилган катта ишонч. Уни оқлаш учун астойдил изланишимиз лозим, албатта.

O`zLiDeP фаолларидан бири Мамасодиқ Эргашев партия етакчисининг фикрларини давом эттирди:

— Фермерлар бугун қишлоқ хўжалигида етакчи кучга айланиб бормоқда. Мустақиллик шарофати билан ер ўзининг ҳақиқий эгасига қайтарилди. Бунда ҳикмат кўп. Фаолиятимиз йил сайин кенгайиб бораяпти. Ҳозирги кунда салкам 50 гектар ерда деҳқончилик қилаяпмиз. Режаларимиз катта. Пахтачиликка келсак, ҳосилдорлик ёмон бўлмади. Биринчи теримнинг ўзидаёқ 83 тонналик хирмон яратдик. Мўлжал — 106 тонна. Ҳадемай бу маррани забт этиб, ваъдага вафо қилишимиз аниқ. Чунки далада ҳали ҳосил мўл. Йил охирида ғаллачилик ва пахтачиликдан жами 30 млн. сўм соф фойда олишни мўлжаллаб турибмиз.

Тожибархон ҚОРАҚЎЗИЕВА, 1955 йилда Булоқбоши туманидаги Найман қишлоғида туғилган. Тошкент халқ хўжалиги институтини имтиёзли диплом билан битирган. Айни пайтда «Маъмиржон ота» фермер хўжалиги раҳбари, бошланғич партия ташкилоти раиси.

Яхши ният — ярим давлат, дейдилар. Қатъиятли инсонларнинг сўзи билан иши бир бўлади. Абдувоҳид Эргашев, Маҳсудали Турғунов, Мамасодиқ Эргашев, Феруз-бек Мамиржонов, Тоҳиржон Қорақўзиев каби фаоллар сидқидилдан меҳнат қилиб, кўпчиликка ўрнак бўлмоқдалар. Олинган даромаднинг бир қисми ҳомийлик мақсадлари учун йўналтирилмоқда. Маҳалладаги 6 нафар боқувчисини йўқотган оила, иқтисодиёт академик лицейи, 20-умумтаълим мактаби оталиққа олинган. Бундан ташқари, қишлоқларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, биргина Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган тадбир учун хўжалик ҳисобидан 1,5 млн. сўм маблағ сарфланди.

— Партиявий бурчга масъулият билан ёндашиб, ҳамкасбларини олға руҳлантираётган Тожибархон Қорақўзиеванинг оиласи ҳам кўпчиликка ибрат бўлгулик. Мамасодиқ ака билан беш нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Ўғиллари — Шоҳбоз ва Шоҳруҳ Андижон иқтисодиёт-муҳандислик институтини тамомлашган. Улар вилоят фермерлар уюшмаси қошида ташкил этилган халқаро кўрик-танловда иштирок этиб, қишлоқ хўжалик соҳасида тажриба алмашиш учун Австралияга йўлланма олишди. Ҳозир улар чет элда. Каттаси менеджер, кичиги муҳандис.

— O`zLiDeP ўз сафларига фидойи, ташаббускор энг асосийси, тадбиркор, инсонларни бирлаштирганлиги билан ҳам бошқа партиялардан ажралиб туради. Бу икки карра масъулият демакдир. Бинобарин, одамлар мушкулини осон қилиш, ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилишимиз, сиёсий фаолликни янада оширишимиз лозим, — дейди Тожибар Қорақўзиева.

Сиёсий фаоллик

ЯНГИ ЮТУҚЛАРГА ЗАМИН ҲОЗИРЛАЙДИ, – ДЕЙДИ «САЙХУНМЕДТЕКС» ҚЎШМА КОРХОНАСИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РАИСИ РУСТАМ МАМАСИДДИҚОВ

Мамлакатимизда маҳаллий саноатни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётганини Сирдарё вилоятидаги "Сайхунмедтекс" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. 2002 йил ноябрь ойига келиб унинг низом жамғармаси 6725,6 минг АҚШ долларини ташкил этди.

■ Примкул ДЎСТМАМАТОВ, «XXI asr» мухбири

— Корхонамизда асосан ип-калава ҳамда сурп ишлаб чиқарилади, — дейди Рустам Мамасиддиқов биз билан суҳбатда. — Яқинда тикув маҳсулотлари тайёрлашни ҳам йўлга қўйдик. Умуман олганда, корхона вилоят иқтисодиётида ўз ўрни ва салоҳиятига эга. 2005 йилда 2039,6 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу 2004 йилга нисбатан 22,2 фоизга кўпдир. O`zLiDeP дастурида "...партия тадбиркор ва ишбилармонлар фаолияти ялпи миллий маҳсулотнинг яратилишида етакчи ўрин эгаллаши ҳамда фуқаролар фаровонлигини оширишда асосий омил бўлиши керак", дея таъкидланади. Корхона жамоаси ҳамда партия фаоллари ўртага қўйилган ана шу вазифалардан келиб чиқиб, меҳнат қилмоқдалар.

Сиёсий фаоллик, шубҳасиз, янги ютуқларга замин ҳозирлаяпти. Айни пайтда корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг катта қисми хорижга экспорт қилинмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 499,4 миллиард сўм миқдордаги рақобатбардош маҳсулотлар тайёрланди, унинг 290,7 миллиард сўм қийматига тенг қисми экспорт қилинди. Бу борада корхонада фаолият кўрсатаётган 40 нафардан ортиқ O`zLiDeP аъзосининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор, албатта.

— Аҳолини муқим иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларида янги меҳнат ўринларини ташкил этиш ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан биридир. Бошланғич партия ташкилоти бу борада қандай йўл тутаяпти?

— Ҳаётий масаладан гап очдингиз, — дея сўзини давом эттиради партия етакчиси. — Таъкидлаш жоизки, бошланғич ташкилотимизнинг 2005 йил бошида ўтказилган йиғилишида шу хусусдаги таклифлар ўртага ташланган ва атрофлича муҳокама қилинган эди. Корхона маъмурияти бизни якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Ёшлар ишга жалб этилиб, уларнинг малакасини ошириш чоралари кўрилди. Самара ҳам шунга яраша. Қўшимча 42 та иш ўрни яратилди, жамоа аъзолари сони 360 нафарга етказилди.

Рустам МАМАСИДДИҚОВ, Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида туғилган. Меҳнат фаолиятини жамоа хўжалигида оддий ишчиликдан бошлаган. 1999-2002 йилларда "Сарбонтекс" Ўзбекистон-Испания қўшма корхонасида уста ёрдамчиси бўлиб хизмат қилган. «Сайхунмедтекс» қўшма корхонасида смена бошлиғи ва O`zLiDeP бошланғич партия ташкилоти раиси.

— Аҳоли ўртасида O`zLiDeP дастурий ғояларини кенг тарғиб этиш, партия электорати фаолиятини яқиндан ўрганиш, муҳим ҳаётий муаммолар ечимини топиш борасида бошланғич ташкилотлар зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, шундай. Ғоявий-сиёсий тарбия кундалик фаолиятимизнинг таркибий қисми саналади. O`zLiDeP туман кенгаши томонидан тасдиқланган дастурга кўра, бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Ёшлар — мустақил юрт келажаги", "Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда болалар спортининг аҳамияти", "Миллий ғоя ва мустақиллик", "Касаначиликка — кенг йўл" давра суҳбатлари, учрашув ва савол-жавоб кечалари ўтказдик. Халқимизнинг азалий байрамлари — Наврўз, Ҳайит кунлари муносабати билан ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, жойларда хайрия ёрдамларини ташкил этаяпмиз. Бу каби тадбирларни ўтказишда O`zLiDeP аъзолари бош-қош ва ташаббускор бўлишмоқда. Уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш асосий мақсадимиздир.

O`ZLIDEP ОДИМЛАРИ

ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИМИЗ

Ўзингда бўлгани яхши

O`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгашининг аъзоси, «Рустам-Пластекс» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Фахриддин Йўлдошев бўлиб ўтган ўша воқеани кўп эслайди...

У бир куни фарзандларига ширин маккажўхори қаламчалари харид қилиш учун бозорга тушди. Уйга қайтгач, ўйланиб қолди: "Наҳотки, шу арзимас нарсани ҳам четдан олиб келсак? Шароит бор, хомашё етарли..."

■ **Назокат ШЕРБОЕВА, Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr» мухбирлари**

... Ниҳоят, қатъий қарорга келди ва маккажўхори қаламчалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган мўъжазгина цех очди. Укалари билан биргаликда фаолиятини бошлаб юборди. Аммо...

Кўп ўтмай тайёр маҳсулот учун елим халтачалар тугаб қолди. Шаҳардан олиб келиш учун эса анча вақт керак. Ортиқча сарф-харажат... Нима қилиш керак? Имкониятларни чамалаб кўрса, уларни маҳаллий шароитда ҳам бемалол ишлаб чиқарса бўлар экан. "Тошкент авиация заводи" ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлганида, унга қўлда йиғилган ихчам дастгоҳ тавсия қилишди. Полиэтилен халтачалар тайёрлашга мўлжалланган янги дастгоҳ қулай ва тежамли эди.

Муҳими, қишлоқ йигитларидан бирмунчаси иш билан ҳам таъминланди. Энди бу борада бирон-бир муаммо йўқ. Изланувчанлик — Фахриддин Йўлдошевга хос хислат. Орадан бир йил ўтгач, полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Шу тариқа фаолият доирасини кенгайтирди.

Ҳозир корхонада 7 та дастгоҳ ёрдамида сифатли полиэтилен маҳсулотлари тайёрланмоқда, жамоа аъзолари сони эса йигирма беш нафарга етди. Жорий йилнинг саккиз ойи давомида ўтган йилнинг айни даврига нисбатан қарийб икки карра кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Ўн сотихли иссиқхонамиз бор. Дастурхонимизда қиш бўйи помидор-бодринг узилмайди, — дейди у биз билан суҳбатда. — Айни пайтда бу ерда саккиз киши меҳнат қилмоқда. Бир-биримизга елкадошмиз.

Онамнинг дуолари ижобат бўлиб, янги ютуқларга йўл очилмоқда. Ҳадемай ўрта босимли газ тармоқларига мўлжалланган 63,76,90,100 диаметрли қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Укаларим — Илҳомжон, Собиржон, Хусниддин яқин ёрдамчиларим. Ишдаги қутбарака ўзаро аҳиллигимиздандир.

Дарҳақиқат, шундай. Йўлдошевлар оиласини нафақат Каттақўрғонда, балки вилоятда ҳам яхши билишади. Ҳалол меҳнат, тинимсиз изланиш орқасидан рўзғор бут, турмуш фаровон. Қаҳрамонимиз нафақат тадбиркорлик, балки партиявий-сиёсий ишларда ҳам фаол, ташаббускор, O`zLiDeP томонидан илгари сурилаётган ғоя ва мақсадларни омма онгига етказиш йўлида куч-ғайратини аямаяпти.

— Тадбиркорлик соҳасида қандай муаммолар бор?

— Бошқаларни билмадим-у, шахсан ўзим биржа орқали хомашё сотиб олишда қийинчиликка дуч келаяпман, — дейди суҳбатдошимиз. — Гап шундаки, биржа катта-катта тонналар билан ҳисоблашади. Кичик корхоналар учун эса бир-икки, нари борса беш тонна хомашё кифоя. Бирйўла 10 ёки 15 тонна маҳсулот харид қилиш учун ҳамманинг ҳам қурби етавермайди-ку, ахир.

— Нима ҳам дердик. Янги ишнинг ўзига яраша ташвишлари бўлади, албатта. Бусиз мумкин эмас. Мана, беш йил ичида анча-мунча тажриба орттирдик. Фаолиятимиз ҳам кўзга ташланиб қолди. Энг муҳими, маккажўхори қаламчалари савдоси орқасидан хусусий корхонага эга бўлдикz. Муҳими — ана шу.

Яна бир гап. Қишлоқда янги иш ўринлари яратиш O`zLiDeP Дастурида илгари сурилган устувор йўналишлардан биридир. Бинобарин, бандлик даражасини оширишга муносиб ҳисса қўшиш, партия ғояларини рўёбга чиқариш, сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш йўлида янада фаолроқ бўлишимиз лозим. Бурчимиз шуни тақозо этади.

Интилганга толе ёр

БУНИ ДЕНОВ ТУМАНИДАГИ «ГУЛНОРА» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА ҲАМ КЎРИШ МУМКИН

■ **Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, «XXI asr» мухбири**

"Сурхондарёпахтасаноат" ҳудудий бошқармаси, "Тўпаланг сув омбори ва ГЭС қурилиши" масъулияти чекланган жамияти сингари йирик ташкилотлар деновлик чеварларнинг доимий мижозидир. Айни пайтда «Гулнора» фирмасида 80 нафар қўли гул тикувчи бўлиб, улар куч-ғайрати билан 20 хилдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилингач, чеварлар сафи 40 нафарга кўпайди.

— Хотин-қизлар учун касаначиликнинг афзал жиҳатлари кўп, — дейди хусусий корхона директори Гулчеҳра Ҳайдарова. — Улар уйларида меҳнат қилиб, шартнома асосида тайёр маҳсулот етказиб беришади ва шунга яраша иш ҳақи олишади. Касаначи аёллар фойдали меҳнат жараёнида иштирок этибгина қолмай, уй-рўзғор юмушлари ва фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш имкониятига ҳам эгадирлар. Энг муҳими, бу давр меҳнат стажига қўшилади. Президентимиз Фармонида касаначиликни йўлга қўйган корхоналарга маълум имтиёзлар берилгани ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш, хизмат турларини кўпайтиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Биз шундан келиб чиқиб, уйда "ўтириб" қолган аёлларни ўз сафларимизга жалб этаяпмиз.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАРМОНИДА КАСАНАЧИЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙГАН КОРХОНАЛАРГА МАЪЛУМ ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛГАНИ ҲАЛОЛ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШДА АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА ЭГАДИР.

Гулчеҳра Ҳайдарова — табиатан изланувчан аёл. Шу боис, қисқа вақт ичида корхона фаолиятини тўғри йўлга қўя билди. Дастлаб 17 киши билан иш бошланган эди. Айни кунга келиб, чеварлар сони 120 нафарга етди. Уларнинг нозик диди ва маҳорати билан ишлаб чиқарилаётган 20 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар қўлма-қўл бўлиб кетмоқда.

Бундан бир йил илгари Германиядан таклиф этилган мутахассис деновлик 18 нафар аёлга "ELITA" дарпардаларини тикиш сирларини ўргатган эди. Айни пайтда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижникидан қолишмаяпти.

Хусусий корхона фаолиятини ривожлантиришда O`zLiDeP аъзоларининг салмоқли ҳиссаси бор, албатта. Улар меҳнатда ўрнак кўрсатиш билан бирга партия ғояларини кенг тарғиб қилиш, оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш йўлида куч-ғайратларини аямаяптилар. БПТ ўз сафига 22 нафар ишчи-хизматчини бирлаштирган. Ҳар ҳафтада ўтказиладиган йиғилишларда турли масалалар муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланади. Айниқса, аёлларни ижтимоий муҳофаза қилиш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ҳамда қаровчисиз кексаларни моддий қўллаб-қувватлаш диққат марказида тутилаяпти. Масалан, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"нинг ўтган даври мобайнида аҳолига жами 2 миллион 300 минг сўмлик, туман кўзи ожизлар жамиятига 200 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Гулчеҳра Ҳайдарованинг депутат сифатидаги фаолияти ҳам ибратга лойиқ. У сайловчилари орасида тез-тез бўлиб, мавжуд аҳвол билан яқиндан танишади, муаммолар ечимини топиш учун бор имкониятларини ишга солади. Учрашувларда билдирилган таклиф-мулоҳазаларни партия туман ва вилоят кенгашларига етказиш билан чегараланиб қолмай, уларнинг ижроси йўлида астойдил жон қуйдиради.

Бир сўз билан айтганда, O`zLiDeP фаоли етакчилик қилаётган жамоа ва бошланғич ташкилот ислоҳотлар жараёнидан четдан қолаётгани йўқ. Аксинча, ташаббускорликни ошириб, янги марралар сари интилмоқда. Интилганга эса толе ҳамиша ёрдир.

«ҚАШҚАДАРЁПАХТАСАНОАТ»
ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ

Мустақил юртимиз
келажаги — ёш авлод
тарбияси йўлида фидойилик
кўрсатиб келаётган кўп
сонли устоз ва мураббийларни
касб байрамлари муносабати
билан самимий муборакбод этади.
Қадрли устозлар!
Сизларга сиҳат-саломатлик,
узоқ умр, хонадонларингизга
эса файз-барака тилаймиз!

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ»
МАЖМУАСИ

Азиз устозлар!
Яқинлашиб келаётган
анъанавий касб байрамингиз —
Ўқитувчилар ва мураббийлар
куни муборак бўлсин.
Барча-барчангизга мустаҳкам соғлиқ,
оилавий бахт-саодат, келажагимиз эгалари —
ёшларга таълим-тарбия бериш борасидаги олижаноб,
айни пайтда масъулиятли ишингизда янгидан-янги
муваффақиятлар тилаймиз.

ҲАЁТНИНГ мангу
■ муаллими- тажриба

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Иқтисодий танглик бегона юрт

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА ИТАЛИЯ ҲОЗИРГИ КУНДА ЖАҲОНДА БЕШИНЧИ ЎРИНДА ТУРИБДИ

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Европа Иттифоқи ва унга аъзо мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Улар орасида саноати юксак тараққий этган, «катта саккизлик» клуби аъзоси Италиянинг алоҳида ўрни бор. Айнан Аппенин ярим оролида жойлашган бу мамлакат Ўзбекистон мустақиллигини биринчиларидан бўлиб тан олган ва мамлакатимизнинг минтақада тутган ўрнига юсак баҳо берган давлатлардан биридир. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Президентининг Италияга, мазкур мамлакат давлат ва ҳукумат раҳбарларининг юртимизга амалга оширган ўзаро ташрифлари бунинг ёрқин далилидир. Шуниси эътиборга сазоворки, 1996 йил июль ойида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим Италиянинг Флоренция шаҳрида имзоланган.

■ **Мир ТОҲИР**

Ўтган аср 80-йилларининг иккинчи ярми ва 90-йилларининг биринчи ярмида тараққий этган капиталистик давлатлар ЯИМнинг 5 фоизи, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 6 фоизи ва жаҳондаги капиталистик экспортнинг 6 фоиздан кўпроғи Италия ҳиссасига тўғри келган эди. Маълумки, аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажми ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражасини белгилайди. Бу соҳадаги кўрсаткич 90-йилларнинг бошида АҚШдагига нисбатан 60, Японияда гига нисбатан эса 65 фоизни ташкил этди. Европанинг етакчи давлатлари орасида Италия фақат ГФР ва Франциядан кейин туради, Буюк Британиядан эса олдиндадир. У Европа Иттифоқига аъзо давлат сифатида кўҳна қитъадаги капиталистик иқтисодий интеграцияда фаол иштирок этмоқда.

Молиявий сармоя

Мазкур мамлакат иқтисодиётида молиявий сармоя етакчи, яъни ҳукмронлик қилувчи ўрин тутади. Унинг асосини саноат ва банк монополиялари ташкил этади. Энг кўзга кўринган монополистик сармоя элитасига "Фиат", "Фальк", "Монтэдисон", "Занусси", "СНИА-Викоза", "Оливетти" сингари хусусий мулк шаклидаги компанияларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, давлат сармояси орқали назорат қилиб бориладиган ИРИ, ЭНИ, ЭФИМ, ЭНЭЛ компаниялари ҳам иқтисодиётда жуда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. "Эссо Итальяно", "Мобил ойл", "Данлоп-Пирелли" каби хориж сармояси устун даражада бўлган фирмалар ҳам салмоқли роль ўйнамоқда.

Саноат монополияларини ташкил этишнинг етакчи шакли диверсификацияланган кўп тармоқли концернлар ҳисобланади. Айтайлик: "Монтэдисон" кимё, нефтни қайта ишлаш, умумий машинасозлик соҳаларида фаолият юритади, "Пирелли" резина саноати ва электрўтказгичлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. "Фиат"нинг соҳаси эса ниҳоятда аниқ — транспорт машинасозлиги. Шундай бўлса-да, у ҳам қамровни кенгроқ олган. Фирма фаолияти доирасига автомобилсозлик, тракторсозлик, электрон машинасозлик, шунингдек, молиявий муносабатлар соҳаси киради.

Италия иқтисодиётида ҳозирги пайтда молиявий сармоянинг ҳукмронлиги тизимида кредит-банк монополиялари ҳал қилувчи ўринга эга. Мазкур мамлакатда тарихан кредит-банк муассасалари ташкилий жиҳатдан иккита секторга бўлиниб келган, яъни ўрта ва узоқ муддатли кредит муассасалари (махсус кредитлаш институтлари) ҳамда қисқа муддатли кредит муассасалари (тижорат банклари ва жамғарма кассалари) фаолият юритади. Кредит ажратмалари умумий ҳажмининг 40 фоизи махсус кредит институтлари, 60 фоизи эса банклар ҳиссасига тўғри келади. Шуниси ҳам борки, иккала сектор ўзаро яқин алоқада ишлайди. Улар ўз операцияларини доимо мувофиқлаштириб турадилар. 80-йиллардан буён кредит-молия институтларининг хусусий сектори бир маромда ривожланиб келмоқда. Хусусий банклар қаторида қимматли қоғозлар савдосига ихтисослашган муассасалар — инвестиция фондлари ҳам шакилланди. Биржалар фаолияти сезиларли даражада жонланди.

Давлат ва иқтисодиёт

Италияда молиявий сармоянинг ҳукмронлиги давлат-монополистик шаклга эга. Давлат ва монополияларнинг ягона механизмга бирлашуви 80-йилларнинг охирида авж нуқтасига кўтарилди.

Давлат тадбиркорлиги жуда кенг ривожланган 80-йиллар ўртасида давлат корхоналарининг ЯИМдаги ҳиссаси 25,1 фоизни ташкил этди. Бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам улар етакчи ўринни эгаллашган: асосий сармояда 49,7 фоиз, ёлланма ишчи кучига тўланадиган ҳақда 31,8 ҳамда мамлакатдаги иш билан банд ходимлар умумий сонида 26,8 фоиз давлат корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Давлат тадбиркорлик секторининг ҳал қилувчи кучлари давлат иштироки тизими дея юритиладиган соҳага жамланган бўлиб, у тегишли вазирликлар раҳбарлигида ИРИ, ЭНИ ва ЭФИМ холдинглари томонидан назорат қилинадиган корхоналарни бирлаштириб туради. Аксарият ҳолларда давлат корхоналари акциядорлик жамиятлари шаклидадир, уларда давлат сармояси устунлик қилади. Марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет билан алоқаси солиқ тўловчиларнинг маблағлари ҳисобига тўлдириб туриладиган дотациялар фондлари орқали амалга оширилади. Бюджет-молияни изга солиш кейинги пайтларда Италия ҳукуматининг иқтисодий сиёсатида марказий ўринни эгаллади. Давлат харажатлари ва даромадларининг жами миқдори Италия ЯИМнинг тахминан 88 фоизини ташкил этмоқда. Охирги йилларда давлат маъмурияти бюджети камомади ЯИМнинг 12 фоизига тенг бўлмоқда.

Ссуда сармоялари бозоридан олинадиган қарзлар ҳисобига қопланиши зарур бўлган давлат бюджети камомадларининг катталиги кредит-бюджет муомаласини изга солиб туришнинг бутун боришига салбий таъсир кўрсатади. Италия марказий банкига махсус кредит муассасалари ва тижорат банклари фаолиятини назорат қилишда жуда катта ваколатлар бериб қўйилган. Масалан, у соф маъмурий йўл билан кредит муассасалари учун битимларнинг алоҳида турлари бўйича операцияларда шартлар белгилаб қўйиш (фоиз даражасини ўрнатиш), у ёки бу муддатга ажратиладиган кредит суммаси ҳажми ва характерини аниқлаб беришга ҳақлидир.

Италияда иқтисодиётни давлат томонидан дастурлаштириш тармоқ ва минтақа дастурларидан то ижтимоий-иқтисодий умуммиллий ўрта муддатли индикатив режаларни ишлаб чиқишгача бўлган катта йўлни босиб ўтди. Дастурларни тайёрлаш учун ташкилий масъулият Бюджет ва иқтисодий дастурлаштириш вазирлиги зиммасига юкланган. Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган дастурий ҳужжат парламент муҳокамаси ва тасдиғидан ўтказилади. Ҳозирги пайтда Италияда прогноз-режаларни тузиш тажрибаси қўлланилмоқда. Бундай ҳужжатлар хусусий ва давлат корхоналарини иқтисодий вазиятга йўналтириш ҳамда уларни иқтисодий сиёсатнинг умумий мақсадларидан хабардор қилишга мўлжалланган бўлади.

Ҳозирги пайтда Италия иқтисодий ривожланиш даражасига кўра дунёда олтинчи ўринни эгаллаб турибди. Унинг энг яқин рақобатчиси Буюк Британия ҳисобланади. Бироқ Италия бу мамлакатни ЯИМ умумий ҳажми кўрсаткичи бўйича 1994 йили, ҳатто ортда қолдириб кетган эди.

Бу юрт фойдали қазилмаларга унчалик бой эмас. Мамлакатда қўнғир кўмир, боксит, рух, қўрғошин ва олтингугурт колчедани конлари бор, холос. Аммо мамлакатнинг аъло даражадаги иқлим шароити қишлоқ хўжалиги ва туризмни ривожлантириш учун катта имкониятлар очиб берган. Бу ердаги меъморий ёдгорликлар кўринишидаги маданий мерос, дунёга машҳур театрлар, денгиз ва тоғ чанғиси курортлари бутун дунё сайёҳларини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Италия ривожланган барча йирик мамлакатлар орасида давлат сектори энг катта мамлакат эканлиги тасодиф эмас. Ҳозирги пайтга қадар иқтисодиётнинг 50 ва банк тизимининг 70 фоизи давлат назоратидадир. Жуда катта миқдордаги бюджет камомади ва давлат қарзининг кўплиги, инфляция ва ишсизликнинг юқори даражада бўлиши давлат секторини кенгайтиришни тақозо этди.

Юзаки қараганда, Италия иқтисодий ривожланишда Франция, Германия, Буюк Британиядан орқада қолаётгандек бўлиб кўринади. Аслида эса ундай эмас. Бу мамлакат ўз тараққиётида жуда салмоқли муваффақиятларни қўлга киритди. Кейинги бир неча йил мобайнида Италия пулнинг қадрсизланишига барҳам берди, ишсизлик кескин даражада камаймоқда, янги корхоналар ташкил этилмоқда, ёшларнинг меҳнатда бандлиги ўсмоқда, инвестиция кўпаймоқда.



Маркс ЮСУПОВ коллажи

Ноёб модель хосияти

Кичик, ўрта ва йирик бизнесга нисбатан қўлланилаётган Италия модели ғоят ноёб ҳисобланади. 1950-1970 йиллар мобайнидаги иқтисодий кўтарилиш оммавий ишлаб чиқаришнинг машҳур бўлиб кетишига ҳамда катта компанияларнинг роли ўсишига олиб келди. Мамлакатнинг шимоли-ғарби йирик компаниялар марказлашган минтақага айланди. "Турин-Милан-Генуя саноат учбурчаги" деб номланган ҳудудда кўплаб йирик корхоналар пайдо бўлди. Аммо 1970 йили рўй берган саноат таназзули натижасида катта корхоналар Италия иқтисодиётида ўзларининг аввалги позицияларини бой бериб қўйдилар. Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши оммавий ишлаб чиқариш танглигининг салбий оқибатлари ўрнини қоплашга имкон туғдирди. Ҳозирги пайтда кичик ва ўрта бизнес корхоналари негизида "Учинчи Италия" пайдо бўлди. Бу минтақа Марказ ва Шарқни қамраб олган. Ана шу ерда тўқимачилик, кийим-кечак, пойафзал, мебель, сопол буюмлари ишлаб чиқарадиган кўплаб ўртамиёна корхоналар марказлашган.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик ҳозирги пайтда Марказ ва Шимоли-Шарқда иқтисодий ўсишга рағбат бўлмоқда, айни пайтда саноат Шимоли ва аграр Жануб иқтисодий пасайиш ҳолатини бошдан кечирмоқда. Италиянинг иқтисодий ривожланишига ҳозирги пайтда Венеция вилояти етакчилик қилмоқда. Бу ерда кичик ва ўрта корхоналар энг кўп жойлашган.

Айнан кичик ва ўрта бизнеснинг муваффақиятли ривожланиши Италияга давлат танглигини ҳам, йирик компаниялар таназзулини ҳам муваффақиятли равишда енгиб ўтишга имкон яратиб берди. 1990-йиллар охирида мамлакат иқтисодиётининг жонланиши, Европада интеграция жараёнининг кучайиши, муомалага евронинг киритилиши кичик ва ўрта бизнеснинг янада ривожланишида кучли омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шунинг натижасида кластерлар, яъни ихтисослашган ишлаб чиқариш ҳудудлари кўпайиб бормоқда.

Шуниси ҳам борки, ривожланишнинг Италия моделида ҳамма нарса қойилмақом равишда бораяпти, деб бўлмайди. Худди аввалгидек, Шимол, Марказ ва Жануб ўртасидаги иқтисодий тафовут ҳисобига мамлакат бирлигини сақлаб қолиш, уюшган жиноятчилик ва коррупция, бири иккинчисига ўхшамайдиган инфратузилма сингари муаммолар ечими долзарб бўлиб қолмоқда.

Италияда қишлоқ хўжалиги асосан Жанубда ривожланган. Бу ҳудудда буғдой, картошка, қанд лавлаги, арпа, сабзавот ва мевалар етиштирилади. Ягона Европа қишлоқ хўжалиги сиёсати юритилаётгани мамлакат аграр соҳаси учун салбий оқибатлар келтириб чиқармоқда: унчалик самара бермаётган миллий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши Европадаги бошқа ишлаб чиқарувчилар билан рақобат қила олмаяпти.

Италиянинг хизмат кўрсатиш соҳасида туризм ва банк фаолияти устунлик қилади. Туризм энг муҳим даромад манбаи ҳисобланади. Бу мамлакатни ҳар йили 50 млн.дан ортиқ киши келиб кўради. Қиёслаш учун шуни айтиш мумкинки, Италиянинг ўзида тахминан шунча аҳоли яшайди. Рим, Флоренция, Венеция, Милан шаҳарлари, кўпдан-кўп қасрлар, ибодатхоналар, денгиз ва тоғ чанғиси курортлари қайёҳларни ҳамиша ўзига чорлаб туради.

Кўриб чиққанимиздек, Италия иқтисодиёти ўзига хос ва мос йўлдан барқарор равишда ривожланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бу юртга кутилмаган иқтисодий бўҳронлар бегона.

ТАРАҚҚИЁТ

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ —
«ҒАЛЛАБАНК»

ўз мижозларига 15 дан ортиқ жозибадор омонат турларини,
жумладан, "Пахта - 2006" йиғим-терим мавсумида иштирок этаётган
ҳамкорларимизга юқори фоизли янги «Oltin xirmon» ва
"Saxovatli kuz" қисқа муддатли омонат турларини таклиф этади.
«Oltin xirmon» қисқа муддатли омонат турига 2006 йил
11 сентябрдан 1 октябргача бўлган муддат давомида маблағлар 3 ой
сақлаш ва йиллик 24 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.
Фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади.
«Saxovatli kuz» қисқа муддатли омонат турига 2006 йил 11 сентябрдан
11 октябргача маблағлар 4 ой сақлаш ва йиллик
24 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилинади.
Фоизлар ҳар икки ойда тўлаб борилади.
Омонатларнинг бошланғич энг кам миқдори
100 минг сўм бўлиб, банкнинг барча филиалларида қабул қилинади.
Барча мижозларнинг маблағлари хатарсиз сақланиб, ҳисобланган
фоизлар билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақланиши
"Ғаллабанк" томонидан кафолатланади.

«Ғаллабанк» омонатлари келгуси даромадларингиз кафолатидир!

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

МОЛИЯ

ИҚТИСОДИЁТНИ жадал ривожлантиришда солиқ тизимини соддалаштириш муҳим роль ўйнайди

МУЛОҚОТ

Солиқлар

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Маълумки, иқтисодиёт соҳасида солиқ "юк"ини камайтириб бориш, ҳисоблаш механизмларини такомиллаштириш, назорат функцияларини қисқартириш ҳамда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш ҳар қандай мамлакат солиқ сиёсатининг асосини ташкил этади. Шу боис кейинги йилларда юртимизда ҳам солиқ тизимини ҳар томонлама такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, солиқ ставкаларининг босқичма-босқич камайтирилаётгани, корхона ва ташкилотлар учун иқтисодий жиҳатдан бир талай енгилликлар яратилаётгани диққатга сазовордир.

■ Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири

Мухбиримизнинг Наманган вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Маҳаммаджон МАҲАММАТОВ билан суҳбати ҳам тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар, уларнинг амалиётдаги самараси хусусида.

— Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 11 августдаги мажлисида 2007 йилга мўлжалланган солиқ-бюджет сиёсати лойиҳаси муҳокама этилди. Унда солиқ ставкаларини камайтириш масаласига ўрин ажратилган. Суҳбатимизни ана шу муҳим мавзудан бошласак.

— Мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2004 йилда даромад (фойда) солиғи 18 фоиз, 2005 йилда 15 фоиз, жорий йилда эса 12 фоиз қилиб белгиланганлиги айни муддаодир. Кўриниб турибдики, хўжалик юритувчи субъектлар бугунги кунда ўз даромадларидан 2 йил аввалгига нисбатан 6 фоиз кам солиқ тўлашмоқда. Бундай ўзгаришларни бошқа солиқ турлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Умуман, солиққа тортиш механизми йилдан-йилга соддалаштирилиб борилаётгани тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатига тўла мос бўлиб тушмоқда. 2007 йил учун ишлаб чиқилган солиқ сиёсати концепциясида ушбу жараён изчил давом эттирилажаги ўз аксини топган. Унга асосан келгуси йилдан даромад (фойда) солиғи 12 фоиздан 10 фоизга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ўртача ставкаси 20 фоиздан 18 фоизга, энг юқори ставкаси эса 29 фоиздан 25 фоизга, кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови 13 фоиздан 10 фоизга пасайтирилади. Ягона ижтимоий тўлов ставкасини эса, 25 фоиздан 24 фоизга туширишмўлжалланмоқда.

Бу ўзгаришлар корхона ва ташкилотларга катта наф келтиради, албатта. Вилоятимиз мисолида оладиган бўлсак, биргина юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ставкасини пасайтириш ҳамда корхоналарнинг айрим турдаги харажатларини солиққа тортиладиган даромад (фойда)дан чегириш тартибини жорий этиш натижасида ялпи солиқ юки (маҳаллий солиқларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) 21,6 фоиздан 19,3 фоизга, яъни 2,3 фоизга камайтирилади. Бу эса, ўз навбатида 737,1 млн. сўм миқдордаги маблағнинг корхоналар ихтиёрида қолишини таъминлайди.

Айни пайтда солиқ тўловчиларни мавжуд янгиликлардан хабардор этиш учун турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштирилаяпти. Жумладан, яқинда вилоят телевидениесида давра суҳбати ташкил этдик.

— Нақд пул тушумининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш солиқ хизмати соҳасидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Бу борада вилоятда аҳвол қандай?

— Вазирлар Маҳкамасининг "Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Нақд пул маблағларини кўпайтириш, савдо тушумининг банк муассасалари орқали айланишини таъминлаш ўтган йилнинг 7 ойига нисбатан 1.5 баробарга ошди. Афсуски, ҳамма ҳам масаланинг моҳиятини тўлиқ тушуниб етаяпти, деб бўлмайди. Биргина август ойининг ўзида вилоят солиқ идоралари томонидан нақд пул муомаласини тартибга солиш бўйича 34 та қисқа муддатли текшириш ўтказилиб, уларнинг деярли барчасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилганлиги аниқланди. Жумладан, 124 миллион 877 минг 700 сўм миқдордаги нақд пул яширилган, 11 ҳолатда эса назорат касса машинасидан фойдаланиш талабларига риоя қилинмаган.

— Бугун Наманган шаҳри ва туманларда йўловчи ташиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар сони кескин кўпайди. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам белгиланган тартиб-қоидаларга тўла риоя қилишаётгани йўқ. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Таъкидлаш керакки, жамоат транспорти ҳаракатини тартибга солиш юзасидан тегишли Фармон ва қарорлар қабул қилинган. Жумладан, аҳолига пуллик хизмат кўрсатаётган хусусий тадбиркорларнинг аксарияти бугун юридик мақомдаги автокорхоналар ва уюшмаларнинг аъзосидир. Бу эса улар учун катта қулайлик туғдираяпти.

Бироқ мавжуд қонун-қоидаларни менсимай, ўз билганича иш юритаётган киракашлар ҳам учраб турибди. Уларни аниқлаш, ноқонуний ҳолларга барҳам бериш мақсадида тегишли идоралар билан ҳамкорликда зарур чораларни кўраяпмиз. Масалан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳаракат хавфсизлиги хизмати, автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг ҳудудий бўлими билан биргаликда 300 дан ортиқ рейд ўтказилди. Тегишли ҳужжатларсиз юк ва йўловчи ташиш билан шуғулланаётган 900 дан зиёд қоидабузарлар аниқланиб, уларга нисбатан молиявий ҳамда маъмурий жазо чоралари қўлланилди. Натижада юридик шахс мақомидаги корхоналарга аъзо бўлиш жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига нисбатан 3477 тага кўпайди.

— Юқорида таъкидлаганингиздек, жойларда даромадни яширишга уриниш ҳоллари ҳам учраб туради. Бунинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар белгиланаяпти?

— Сўнгги икки йил ичида бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 26 та Фармон ва қарорлар қабул қилинганининг ўзи ҳам масала нечоғли муҳим эканлигидан далолат беради. Юқоридаги ҳужжатларга асосан, айни кунда тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароит яратилмоқда. Ҳисобот ишлари 3 баробарга камайтирилди. Текширишлар 3-4 йилда бир марта ўтказиладиган бўлди. Назорат идораларининг тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашувига чек қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги республика ахборот-маслаҳат марказининг вилоят бўлинмаси, қолаверса бошқарма матбуот хизмати, томонидан жойларда турли семинар ва учрашувлар ташкил этилиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга ҳаракат қилинаяпти. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугун солиқ хизмати идоралари фақатгина назорат қилувчи орган эмас, балки рағбатлантирувчи муассаса сифатида ҳам шаклланиши лозим. Яъни улар тадбиркорларнинг яқин кўмакдоши, ҳуқуқий маслаҳатчиси ва амалий ёрдамчисига айланиши керак. Биз ҳам ўз олдимизга ана шундай мақсадни қўйганмиз.

Тадбиркорларнинг банк орқали амалга оширадиган операциялари қатъий назорат остига олинган. Шу йилнинг ўтган 7 ойи давомида фаолияти шубҳали, деб топилган 208 та хўжалик юритувчи субъектнинг 189 тасида текшириш ўтказилди ва бир талай камчиликлар аниқланди. Масалан, 42 ҳолатда солиқ тўловларидан 96,7 миллион сўм ортиқча ҳисобланган бўлса, 43 тасида товар айланмасини камайтириб кўрсатиш, 70 та вазиятда нақд пул тушумини банк муассасига топширмаслик, 5 ҳолатда тегишли рухсатномасиз фаолият юритиш каби нуқсонларга йўл қўйилган. 179 та ҳолат бўйича тегишли материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга юборилди.

— Суҳбатимиз якунида солиқ ходимларининг малакасини ошириш, кадрлар захирасини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Кадрлар масаласи ҳамиша долзарб бўлиб келган. Бугун вилоят солиқ идораларида асосан малакали, билимдон ходимлар хизмат қилишмоқда. Уларнинг касбий маҳоратини ошириб боришга ҳаракат қилаяпмиз. Айни вақтда солиқ тизимида "Устоз - шогирд" анъанаси йўлга қўйилган. Бундан ташқари, бошқарма қошида "Мураббийлар кенгаши" ишлаб турибди. Ҳар ҳафтанинг сешанбасида маънавият соати, жума кунлари эса касбий мавзуда ўқишлар ташкил этилмоқда. Унда вилоятдаги кўзга кўринган олимлар, тажрибали мутахассислар иштирок этиб, ўз билим ва тажрибалари билан ўртоқлашаяптилар. Ёшларни малакали ходимларга бириктириб қўйганмиз. Мақсад битта: у ҳам бўлса, кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш, уларда эл-юрт манфаати учун масъулият ва дахлдорлик ҳиссини тўла шакллантиришдир.

ТАДБИР

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Икки давлат ўртасида яна бир соҳа — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилаяпти.

«Le Grande plaza»да кўргазма

■ Ўз мухбиримиз

22-25 сентябрь кунлари мамлакатимизда бўлган Ҳиндистон Савдо палатаси федерациясининг агросаноат бизнеси бўйича делегацияси ўзбек ҳамкасблари билан шу масалани муҳокама этишди.

6-8 октябрь кунлари эса, Тошкентдаги "Le Grande plaza" меҳмонхонасида III Ҳиндистон савдо кўргазмаси бўлиб ўтади. Унда фармацевтика, косметика, жарроҳлик ва касалхона ускуналари, озиқ-овқат саноати, тўқимачилик, телекоммуникация технологиялари намойиш этилади. Ҳиндистон ва МДҲ мамлакатларининг Савдо-саноат палаталари мазкур кўргазма ташкилотчилари ҳисобланади. Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги, мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихоналари ҳамкорлигида ўтказилади.

ҲАМКОРЛИК

"Uzbekistan airways technics" авиакорхонаси Россияда катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган «S7 airlines» (собиқ "Сибирь") авиакомпаниясининг иккинчи ҳаво кемасига хизмат кўрсатмоқда.

Россия самолётига хизмат кўрсатилмоқда

Бу иш "S7 airlines" ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ўртасида шу йил тузилган узоқ муддатли шартнома асосида йўлга қўйилди.

Тошкент авиакорхонаси авиахизматлар бозорида ишончли ҳамкор сифатида ном чиқарган бўлиб, у Ғарб ва Шарқда ишлаб чиқарилган ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш борасида халқаро сертификатга эга.

Шу йил октябрь ойида имзоланиши кутилаётган шартнома доирасида "1C-Check" дастури бўйича "S7 airlines" авиакомпаниясининг А - 310 самолётига ҳам техник хизмат кўрсатилади.

ЭКСПЕДИЦИЯ

Сурхондарё воҳаси қадимий маданият ўчоқларига эга. Сурхон дарёси ўрта оқимида жойлашган Далварзинтепа ёдгорлиги бунга яққол мисол. Яқинда бу ерда навбатдаги Ўзбекистон-Япония қўшма археологик экспедицияси бошланди.

Далварзинтепа сирлари

Уни соҳанинг таниқли мутахассиси Баҳодир Турғунов бошқармоқда. Экспедицияда, шунингдек, Японияннинг Сако университети профессори Кюдзю Като ва унинг тўрт нафар ҳамкасби иштирок этяпти. Профессор Като юртимиз жанубида олиб борган ўн етти йиллик археологик изланишлари билан донг таратган ва "Дўстлик" ордени билан тақдирланган. Айниқса қадимий топилмаларга эга Қоратепани ўрганишда унинг салмоқли ҳиссаси бор.

Далварзин деворларининг шарқий томонидан топилган VII-VIII асрларга оид қабр Ўзбекистон-Япония археологик экспедицияси олиб борган қазилмаларнинг, ҳозирча сўнгги ютуғидир. Қадимшунослар унда аёл скелети ёнида иккита кўзгу, тумор, 21 та марварид донаси, бешта қадимги танга ва фил суягидан ясалган буюмни топишди. Шунингдек, бошқа қабрлардан ҳам фанда қизиқиш уйғотадиган турли буюмлар чиқди. Олимларнинг фикрича, улар бир пайтлар Чағониён деб номланган ўлка тарихи ҳақида маълумот тўплашга ёрдам беради.

ШЕЪРИЯТ

Тошкентдаги "Вертикал" шеърият клубига аъзо шоирлар томонидан яқинда яратилган шеърлар тўплами - аудио кўриниши айнан шундай номланди.

«Ўз қалбим билан шамчироқ ёқаман»

Клуб доирасида ўтказилган шеърият кечалари хоҳловчиларга ўз ижодий истеъдодини намойиш этиш имкониятини берди. Натижада иштирокчилар ўқиган шеърларнинг аудио кўринишини яратиш фикри пайдо бўлди. Шундай қилиб, 25 нафар шоирнинг 225 та шеъри киритилган диск яратилди.

— Ушбу шеърлар аудиотўпламини яратаётганда, биз бошқача йўл тутдик, яъни машҳур шоирлар ижодига мурожаат этмадик, — деди "Вертикал" клубининг ташкилотчиси Александр Каменский. —Аксинча, ушбу альбомда ҳали танилмаган шоирларга сўз беришни хоҳладик. Мазкур аудиотўпламда юртимизда истиқомат қилаётган, турли динларга эътиқод қилувчи ҳар хил миллат вакиллари, аммо ягона мақсад — дунёга инсоний фикр уйғунлиги ва меҳр бағишлаш ғояси билан бирлашган одамлар овози янграйди.

ҚУТЛОВ

«МУБОРАК ГАЗ КОНЛАРИ»
УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Муҳтарам устозлар!
Сизларни 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин дилдан қутлаймиз. Жамиятимиз равнақи ва келажаги йўлидаги машаққатли, аммо фахрли меҳнатингизни ҳамиша ҳурмат қиламиз. Шогирдларингиз камолидан қалбингиз ғурур ва ифтихорга тўлаверсин!

АДОЛАТЛИ раҳбар халқнинг тинчлигини таъминлаш учун ғамхўрлик қилмаслик билан фитнани, азоб-уқубатни, адолатсизликни кучайтиришга кўмаклашади

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БМТ

Зиддиятлар гирдобида

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ҒОЯВИЙ ЭКСПАНСИЯ ВА ХУРУЖЛАРГА ҚАРШИ

ВАЗИЯТГА НАЗАР

Ўтган ҳафтада ер юзининг бир неча нуқталарида рўй берган воқеа-ҳодисалар яна бир карра дунё радикаллашиб бораяпти, деган фикрни исботлагандек бўлди. Агар БМТ Бош ассамблеясининг навбатдаги йиғилишида Эрон ва Америка президентлари бир-бирларини тинглашни исташмаган бўлсалар. Маҳмуд Аҳмадинажод нутқ сўзлаётганда, АҚШ делегацияси БМТ биносини тарк этди. Венгрияда эса бош вазирнинг тор мажлисда ўйламай айтган ва ОАВда эълон қилинган фикрлари кутилмаганда тартибсизликларни келтириб чиқарди. Зиддиятли вазиятнинг ҳамон оғиздан тушмаётган ягона Европа ғоясига, унинг иқтисодиётига катта зиён етказиши мумкинлиги тилга олинаяпти. Рим Папасининг эса яқинда яшаб ўтган диндошидан келтирган иқтибоси мусулмонларнинг ғазабини келтирди. Хуллас, бугунги ахборот асрида дунё жиддий хатарларга дучор бўлаяпти.

■ Шерзод ЭРАЛИЕВ

Айниқса, шу кунларда давлатларнинг бутунжаҳон универсал уюшмаси — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг навбатдаги йиллик сессиясидаги баҳсу мунозаралар дунё чўғ устида турибди, деган эътирофларни тасдиқлаётгандек туюлади. Унда ҳукм сураётган можароли муҳит бугун дунё тартибининг кўз ўнгимизда кескин ўзгаришларга дучор бўлаётганини яққол кўрсатиб турибди. Хусусан, Уго Чавеснинг том маънода аксиламерика кайфиятидаги нутқи бир вақтлар минбарга пойафзали билан урган Никита Хрушчев қилиқларини эслатади. Бу ўхшатиш тасодифий эмас, албатта. Социалистик лагерь барҳам топганидан сўнг, худди бир пайтлар, яъни Иккинчи жаҳон урушидан кейин бўлганидек,АҚШ ва унинг Европадаги иттифоқдошлари дунёдаги иқтисодий-сиёсий ва мафкуравий устунликка эга куч бўлиб қолдилар. Ривожланаётган давлатларнинг раҳбарлари эса кўп ҳолларда бундай аҳволдан норози бўлсалар-да, "Ғарб доктринаси"га муқобил ғоявий платформаларга эга эмас эдилар. Энди эса вазият тамоман ўзгарди. Бу кетишда ҳадемай икки блокка бўлинган, улар ўртасида эса "Қўшилмаслик ҳаракати" давлатлари манёвр қилаётган БМТ вужудга келса, ажабмас.

Кузатувчиларнинг фикрича, бундай вазиятнинг юзага келишига айнан АҚШ айбдор бўлиб қолмоқда. Чунки Вашингтон Ироққа бостириб кириш арафасида БМТга қарши ғоявий ҳужум бошлаганди. Қўшма Штатлар Кофи Аннаннинг БМТни ислоҳ қилишга доир таклифини рад этиши ва у ердаги доимий вакили этиб ташкилот танқидчиси Жон Болтонни тайинлаши фикримизнинг яққол исботидир. Шу йил ёзида эса Бош котибнинг биринчи ўринбосари инглиз Марк Маллок-Браун Вашингтонни келишувга бормаслик ҳамда БМТ бюджетининг 20 фоиздан кўпроғини ташкил этувчи бадални ушлаб туриш ёрдамида шантаж қилаётганликда айблади. Мана шуларнинг барчаси АҚШнинг якка ҳукмронликка интилаётганининг оддий бир кўриниши, холос.

Таъкидлаш жоизки, БМТ ҳозирги халқаро муносабатлар талабларига жавоб бермай қўйганлиги ҳақидаги гаплар бугун пайдо бўлгани йўқ. Айниқса, кузатувчилар "совуқ уруш" тугаганидан сўнг АҚШ гегемонлигига асосланган бир қутбли дунё қуришга интилишлар халқаро ҳуқуқ, унинг ижросини таъминловчи етакчи куч — БМТнинг фаолияти бир-бирига қарама-қарши тамойиллар билан ниҳоятда чигаллашиб кетгани ҳақида баралла гапирмоқдалар. Масалан, давлатларнинг суверен тенглиги ва ички ишларга аралашмаслик тамойиллари устуворлиги тан олингани ҳолда инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, либерал демократияни тарқатиш учун қудратли давлатлар масъуллиги ҳақидаги қарашларга, сиёсатдонлар realpolitik деб атайдиган реал сиёсий воқеликка объектив равишда ёндашилганда, кучли давлатларнинг сиёсати бошқаларга дастуриламал сифатида тиқиштирилаётгани ташкилот, дарҳақиқат, ислоҳотларга муҳтожлигини кўрсатмоқда. БМТ сессияси арафасида тайёрланган қатор ҳисоботларда ҳам асосан шу масалалар ҳақида гап боради.

Масалан, Heritage Foundation ҳисоботида ёзилишича, "эркинлик ва инсон ҳуқуқларининг универсал қадриятларини ҳимоя қилишга қаратилган ташкилотда эркинлик ғоясининг ўзи шубҳа остига олинган. БМТ ўз фаолиятида қўлланаётган тамойиллар кўпинча бири иккинчисини инкор этмоқда. Дейлик: айрим инсон ҳуқуқлари мезонларини бузаётган давлатларнинг БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясига киритилиши, бир томондан, барча аъзолар тенглиги тамойилининг амалдаги ижроси бўлса, иккинчи томондан, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация устидан кулинаётгандек кўринаяпти."

Яна бошқа далилларга мурожаат қилайлик. БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича комиссияси — ЮНКТАД ҳисоботида иқтисодий ривожланишнинг бозор ва либерал услублари тўғрилиги шубҳа остига олинади. ЮНКТАД мутахассислари глобаллашув жараёнларини ҳам танқид қиладилар. Уларнинг фикрича, ушбу жараён камбағал ва бой давлатлар ўртасидаги жарликни кенгайтирмоқда, холос.

Айни шундай масалалар ечими борасидаги тортишувлар туфайли БМТ Бош ассамблеясининг ушбу сессияси ташкилот тарихидаги энг можароли анжуманлардан бўлиб қолса, ажабмас. Бу йилги тадбир аксиламерика йиғилишига айланиб кетди: Вашингтоннинг энг муросасиз рақиблари — Эрон ва Венесуэла раҳбарлари Маҳмуд Аҳмадинажод ва Уго Чавес кетма-кет нутқ сўзладилар. Уго Чавес "саҳналаштирилган" нутқ сўзлаб, Жорж Бушни шайтон деб аташгача борди.

Дарҳақиқат, Бош ассамблеяда ҳукм сурган вазиятни дўстона деб аташ қийин эди. Негаки, ушбу ташкилотга аъзо давлатларнинг учдан икки қисми ривожланаётганлар сирасига киради. Бу давлатлар аксариятининг раҳбарлари ўтган ҳафтада Оқ уйга нисбатан алоҳида қаҳр-ғазаб изҳор этилган Қўшилмаслик ҳаракати давлатларининг Гавана саммитида қатнашган эдилар. Шу туфайли БМТ Бош Ассамблеясида ҳам аксиламерика кайфияти ҳукмронлик қилди.

Шунга қарамай, Жорж Буш ўз чиқишида аксиламерика кайфиятдагиларни ўз тарафига оғдириш ҳақида ўйлаб ўтирмади ҳам. Аксинча, у тўғридан-тўғри халқларга мурожаат билан чиқди. Жаноб Буш ўзининг ислом динига бўлган ҳурматини таъкидлаб, Яқин Шарқдаги АҚШнинг дўст ва душманларини санаб ўтди. Ироқ, Афғонистон, Яман, Миср, Ливан, Қувайт, Саудия Арабистони, Иордания, БАА ва Баҳрайн, Оқ уй раҳбарининг фикрича, демократияда жиддий силжишлар қилаётган давлатлар экан. Сурия ва Эрон эса АҚШнинг душманлари. Вашингтон ушбу давлатлар террорчиликни қўллаб-қувватлаяпти, деб ҳисоблагани учунгина улар халқаро ҳамжамият босимига олиниши керакмиш. Буш асосан ушбу давлатлар халқларига мурожаат қиларкан, "улар Теҳрон ва Дамашқ ҳукуматлари таклиф қилаётган тузумдан ҳам эркинроқ ва фаровонроқ жамиятда яшашга лойиқ" эканлигини таъкидлаб ўтди.

Кўриниб турибдики, йирик мамлакатлар демократия никоби остида ахборот хуружларини давом эттираяпти ва бундан қайтмоқчи эмас. Эрон ва Сурия каби мамлакатлар эса бундай ҳужумлар олдида ахборот хавфсизлигини таъминлаш устида бош қотирмоқда. Чунки мамлакат манфаатларига зид ахборот хуружлари бу мамлакатлар учун ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Зеро, ахборот урушларида, энг аввало, инсоннинг қалби ва онги нишонга олинади. Бу қурол ёрдамида онгга берилган зарбалар аҳолини ўз манфаатларига зид ҳаракат қилишга ундайди ва демакки, улар устидан ҳукмронлик қилиш имкони туғилади. Эрон ва Сурияга қаратилган босимларнинг мақсади, вайронкор ғоялар ёрдамида мавжуд ҳокимиятларни ағдариш ва айнан шу йўл билан осонликча мазкур минтақада назорат ўрнатишдир.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш хилма-хил ғоялар билан қуролланган, турли манбалардан озиқланадиган мафкураларнинг асосий мақсадига айланган".

Жорж Бушнинг БМТ сессиясига келган асосий душманлари — Маҳмуд Аҳмадинажод ва Уго Чавес АҚШ президентининг нутқ сўзлаши вақтида залда бўлмадилар. Жорж Бушни ҳам "дўст"лари унинг ҳақида нима дейишлари қизиқтирмади.

Жаноб Аҳмадинажод ўз нутқининг тахминан учдан бир қисмини Яратганга мурожаатлар ва илтижоларга бағишлади. Унинг венесуэлалик ҳамкасби эса ундан ҳам ошиб кетди.

— Шайтон, инсон қиёфасидаги шайтон шу бинода юрибди. Шайтон кеча худди мана бу ерда бўлди. Мен ҳамон олтингугуртнинг ҳидини ҳис қилаяпман, — Уго Чавес минбарга ишора қила туриб, чўкиниб қўйди.

Энг қизиғи шундаки, залга йиғилган давлат раҳбарлари ва дипломатлар худди театрдагидай унга қарсак чала бошладилар. Бу пайтда АҚШ делегацияси учун ажратилган жойлар бўм-бўш эди.

Иккала президент ҳам кучқудратга эга давлатларнинг адолатсиз сиёсат юритаётганлигидан норозилик билдирдилар. Аҳмадинажод ва Чавеснинг фикрича, улар "сионистлар режими"ни қўллаб-қувватлаётган "босқинчи ва истилочи" АҚШ ва Буюк Британиядир. Бундан ташқари, иккала президент ҳам 10-12 йилдан бери такрорлаб келинаётган БМТни кескин ислоҳ қилиш бўйича ўз қарашларини таклиф этди. Шуни таъкидламоқ жоизки, нуфузли ташкилотни ислоҳ қилиш борасидаги дастлабки таклифни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурган эди.

Эрон президентининг фикрича, БМТ Хавфсизлик Кенгаши фаолияти Иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган тамойилларга асосланганлиги учун ҳам у кескин ўзгаришларга муҳтож. Кенгашни ислоҳ қилиш зарурати айрим давлатларнинг Эроннинг тинч ядро дастурига асоссиз эътироз билдираётганларидан келиб чиқмоқда. У Қўшилмаслик ҳаракати, "Ислом конференцияси" ташкилоти ва Африка қитъасининг биттадан давлатини Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо қилиш таклифини киритди.

Маълумки, жаҳон оммавий ахборот воситаларида АҚШ ва Эрон президентлари ўртасида бўлиб ўтадиган "дуэль" ҳақида кўп гапирилганди. Сиёсий шарҳловчиларнинг фикрича, ушбу сиёсий дуэль кўпроқ Маҳмуд Аҳмадинажод фойдасига ҳал бўлди. Америкаликлар, қолаверса, жаҳон афкор оммаси Холокостни тан олмайдиган ва Исроилни ер юзидан супуриб ташлашни таклиф қилаётган диктатор сифатида тасвирлаб келинган одамдан навбатдаги можароли нутқ кутишганди. У эса тинчлик ҳақида мантиққа асосланган гапларни айтиб, рақиби Бушни қуролсизлантирди. Вашингтоннинг хоҳиш-истагига қарамасдан, БМТ бу ҳафтада Эронга қарши ҳеч қандай санкциялар қўлламаса керак.

БМТ Бош ассамблеясининг сессияси давом этар экан, АҚШ учун номақбул лаҳзалар ҳали олдинда, деган фикрлар ҳам янграмоқда. Масалан, БМТ олдида Бош котибни сайлаш вазифаси турибди. Вашингтоннинг бу борадаги мавқеи аксарият бошқа давлатлар фикри билан мос эмас. Масалан, Ўзбекистон, Россия ва Хитой каби мамлакатлар Корея ташқи ишлар вазири Бан Ки-Мун номзодини қўллаб-қувватлаётган бўлса, АҚШ ва унинг иттифоқчилари Латвия президенти Вайра Вике-Фрейберг хоним номзодини илгари сураяптилар. Воқеалар ривожи Вашингтон фойдасига ҳал бўлмаётганлиги боис, Америкадаги айрим сиёсатчилардан БМТдан узоқлашиш хусусидаги овозлар эшитилмоқда. Баъзи таҳлилчиларнинг фикрича, Конгресс кузги сессия чоғида Американинг БМТ бюджетига ажратадиган бадалини кескин қисқартириши мумкин.

ҚУТЛОВ

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИ

АЗИЗ УСТОЗЛАР!
ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН
КАСБ БАЙРАМИНГИЗ —
ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР
КУНИ МУБОРАК БЎЛСИН.
БАРЧА-БАРЧАНГИЗГА МУСТАҲКАМ
СОҒЛИҚ, ОИЛАВИЙ БАХТ-САОДАТ,
КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ —
ЁШ АВЛОДГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ
БОРАСИДАГИ ОЛИЖАНОБ,
АЙНИ ПАЙТДА МАСЪУЛИЯТЛИ
ИШИНГИЗДА ЯНГИДАН- ЯНГИ
МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ.



СЎНГГИ САҲИФА

ЯШАМОҚ ҳамиша тўхтовсиз олға интилмоқ демакдир

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ

ФУТБОЛ

Жўжани санаш пайти келмоқда

23-25 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ ОЛИЙ ЛИГА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА 25-ТУР УЧРАШУВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Миллий биринчилик ўз поёнига етгунга қадар иштирокчилар, қолдирилган учрашувларни ҳисобга олмаганда, яна бештадан ўйин ўтказишлари лозим. Шундай бўлса-да, мазкур турда Фарғонанинг "Нефтчи" жамоасига 2:8 ҳисобида имкониятни бой берган "Хоразм" айни шу ўйиндан сўнг олий лигани тарк этиши ойдинлашди.

■ Шухрат ХЎЖАЕВ

Бошқача қилиб айтганда, мавсум бошидан буён ғалаба нималигини билмай келаётган хоразмликлар бундан кейинги ўйинларнинг барчасида зафар қучганлари тақдирда ҳам "кучлилар" сафида қола олмайдилар.

"Нефтчи" сингари рақиби, яъни "Локомотив"ни олти тўп фарқ билан (7:1) тор-мор этган "Пахтакор" эса, аксинча, навбатдаги чемпионлик унвони сари яна бир қадам ташлади. 67 очко тўплаганидан ташқари, тўплар нисбати бўйича яхшигина кўрсаткичга (71-8) эга пойтахт жамоаси энг яқин таъқибчиси — Қаршининг "Насаф" клубидан 6 очко олдинда бормоқда. Ўз майдонида "Тўпаланг"ни 3:2 ҳисобида енгган "Насаф"нинг кейинги турларда водийнинг нисбатан кучли жамоалари — "Нефтчи" "Навбаҳор"га рўбарў келишини, "Пахтакор" эса жиддий рақиблардан фақат фарғоналиклар билан учрашишини ҳисобга олсак, биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган клублар орасидаги фарқ, нари борса, ярмига қисқаришини башорат қилиш мумкин. Шунга қарамай, йўқ деганда, иккинчи ўринни эгаллайдиган қаршиликлар аввалги мавсумдаги натижаларини яхшилаб, асосийси — Осиё Чемпионлар лигасида қатнашиш имкониятига эга бўладилар.

Сўнгги турда "Самарқанд-Динамо" жамоасидан 4:1 ҳисобида устун келган амалдаги вице-чемпион — Муборакнинг "Машъал" клуби кейинги ўйинларни ана шундайин кўтаринки руҳда ўтказса, "бронза"га илиниши мумкин. Акс ҳолда, учинчи ўрин чемпионатимизнинг энг совриндор жамоаларидан бири —"Нефтчи"га насиб этади.

25-турнинг қолган натижалари билан танишинг:

"Бухоро" - "Металлург" — 0:0, "Қизилқум" - "Трактор" — 2:3, "Навбаҳор" - "Шўртан"— 3:2, "Андижон" - "Сўғдиёна" — 2:0.

Навбатдаги турда қуйидаги жамоалар ўзаро куч синашадилар:

29 сентябрь

"Локомотив" - "Андижон"

30 сентябрь

"Тўпаланг" - "Пахтакор", "Шўртан" - "Сўғдиёна", "Трактор" - "Насаф", "Нефтчи" - "Қизилқум", "Металлург" - "Хоразм", "Самарқанд-Д" - "Бухоро"

"Навбаҳор" - "Машъал".

ТАРИХГА НАЗАР

БУ АЖИБ ДУНЁ

Биринчи кулча қачон ёпилган?

Мазкур саволга тадқиқотлар олиб бориш давомида жавоб излашга ҳаракат қилган тарихчиларнинг таъкидлашларича, дастлабки нонлар эман ва арча дарахтлари уруғларидан тайёрланган.

Яъни, данакларнинг қуритилган мағизлари тошлар ёрдамида майдаланиб, ун ҳолатига келтирилган. Унсимон моддадан аввал бўтқалар, кейинроқ эса чўғда пиширилган "кулча"лар тайёрланган. Тахминан саккиз-тўққиз минг йил аввал эса, инсон буғдойни "қайта ишлаш" йўлларини ихтиро қилган. Буғдой унидан тайёрланган ёпишқоқ хамир дастлаб қиздирилган харсанглар устида, сўнгра ўзига хос ўчоқларда пиширилган. Шу тариқа кўп жойлари куйган ва, қаттиқ бўлса-да, тез орада дастурхон кўркига айланиб, мазали неъматнинг сифати тобора яхшиланиб борган.

Масалан, қадимги мисрликлар биринчилардан бўлиб милоддан уч минг йил аввал юмшоқ буғдойдан ун, ундан эса ачитқи ёрдамида оширма хамир тайёрлаш усулларини ўрганганлар. Милоддан аввалги бешинчи асрда эса, бутун Афина шаҳрини нон маҳсулотлари билан таъминлаган юнонлик новвойлар нон ёпиш санъатининг Қадимги Римга ўтишига сабабчи бўлишган. Жумладан, археологлар Рим яқинидаги шаҳар — вулқон остида қолган Помпей харобаларидан 40 дан ортиқ новвойхона қолдиқларини топишган. Буюк салтанат даврида нон аҳолининг энг асосий озиқ-овқат манбаи бўлгани учун милоддан аввалги 50-йилларда абадий шаҳарда яшаб, новвойлик ва нон маҳсулотлари савдоси билан шуғулланган Марк Вергилий Эврисак шарафига ҳозирги Италия пойтахтида ҳашаматли ҳайкал ўрнатилган. Мармардан ясалган мазкур санъат асарида ҳунари эвазига тарихда ўчмас из қолдирган Эврисакдан ташқари, нон ёпиш жараёнида иштирок этаётган новвойнинг хотини ва фарзандлари ҳам акс эттирилган.

ОБ-ҲАВО

29 сентябрь - 4 октябрь кунлари Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистонда ўзгарувчан об-ҳаво кузатилади. Ҳарорат **кечаси 6-10, кундузи 24-29** даражани ташкил қилади.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳамда Фарғона водийсида ҳаво ҳарорати **кечаси 9-11, кундузи 28-31** атрофида бўлади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ўтаётган ҳафта охиригача ёмғир ёғиб туриши, янги ҳафтанинг дастлабки кунларида эса ҳавонинг булут бўлиши кутилмоқда. Ҳарорат **кечаси 8-12, кундузи 25-30** даража бўлади.

Тошкентда эрта-индин ёмғир ёғади. Қолган кунларда ҳаво очиқ бўлади. Ҳарорат кечаси 12-17, кундузи 26-30 даражани ташкил қилади.

ЭЪЛОН

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR
Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61: Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz: E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz

БИЗНЕС-БАШОРАТ

2 - 8 октябрь

ҚЎЙ. Ён-атрофда содир бўлган машъум воқеалардан тўғри хулоса чиқарган "қўй"лар ҳаётда шукр қилиб яшаш кераклигини англаб етадилар. Бурж вакиллари учун сешанба ва жума ниҳоятда омадли келиши кутилмоқда.

БУЗОҚ. Режалаштирилган ишларингизни бенуқсон амалга оширмоқчи экансиз, келаси ҳафтада, мажбуран бўлса ҳам, айрим хунук одат ва иллатларингиздан воз кечишга ҳаракат қилинг. Шундагина чоршанба куни молиявий аҳволингизни яхшилашга, якшанба куни эса катта лойиҳани якунлашга муваффақ бўласиз.

ЭГИЗАКЛАР. Келаси ҳафтада табиатан камгап, аммо ваъда бергач, унинг ижросини таъминлаш учун ҳеч нарсасини аямайдиган "эгизаклар" учун мазкур муддат қувончли бўлиши кутилмоқда. Жумладан, душанба-даёқ савдо-сотиқ соҳасида катта ютуққа эришган бурж вакиллари жума куни мукофотга лойиқ кўриладилар.

ҚИСҚИЧБАҚА. Тан жароҳати олиш ёхуд молиявий инқирозга учраш каби хавф-хатарларга учрамай десангиз, душанба куни ҳар томонлама эҳтиёткор бўлинг. Жума куни дўстларингиз билан учрашиб, дилдан суҳбатлашишингиз кутилмоқда.

АРСЛОН. Ҳафта давомида ўзингизни уринтирмасликка, кўпроқ дам олиб, бор кучингизни шанба ва якшанба кунлари ўтадиган тадбирларга сақлашга ҳаракат қилинг. Янги иш таклифи билан келганлардан етарлича маълумот олиб, мутасадди вакилга "ўйлаб кўриш" шартини қўйинг.

ПАРИЗОД. Зўр бериб ишлаб турганингизда жиддий рақобатчига дуч келасиз. Аввалига ишингиз орқага кетади. Бироқ ўз хатоларингизни ва рақибингизнинг нозик томонларини обдон ўрганиб чиққанингиздан сўнг, аввалгидан ҳам яхшироқ натижаларга эриша бошлайсиз. Пайшанба куни асабингизни бузиши мумкин бўлган ҳийла-найрангларга эътибор беринг.

ТАРОЗИ. Чоршанба куни сиз ва оила аъзоларингиз, жумладан, турмуш ўртоғингиз билан орангизда низо келиб чиқиш хавфи бор. Келишмовчилик катта жанжалга айланиб кетмасин десангиз, ўзингизни вазминроқ тутинг. Ҳар нарсага асабийлашаверманг.

ЧАЁН. Қарз билан боғлиқ муаммоларни ҳисобга олмаганда, омадли ҳафтани бошдан кечирасиз. Душанба куни ўз "боғ"ингизда етиштирилган "ҳосил"ни сотиб, мўмай даромад топишга, ҳафтанинг иккинчи ярмида эса муолажа олиб, саломатлигингизни яхшилашга эришасиз.

ЎҚОТАР. Ҳафтанинг дастлабки кунларида бир нечта нуфузли даргоҳда меҳмон бўласиз. Қимматбаҳо буюмингизни ўғирлатиб қўймай ёки фирибгарларнинг найрангларига учиб қолмай десангиз, чоршанба куни ҳар томонлама огоҳ бўлишга ҳаракат қилинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Меҳмон кутмоқчи бўлсангиз, тадбирни пайшанба кунига белгилаганингиз маъқул. Фарзандларингиз саломатлигига жиддийроқ эътибор беринг. Бунинг учун уларни спорт-соғломлаштириш тўгаракларига олиб боришингиз, оилавий таомномани витаминлар билан бойитишингиз лозим.

ҚОВҒА. Душанба куни янги ҳамкорларингиз билан манфаатли келишувга имзо чекасиз. Чоршанба куни фавқулодда вазиятга тушиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Шанбани яқинларингиз даврасида ўтказасиз.

БАЛИҚ. Ҳафта мобайнида имкон қадар ўзингизни қийнамасдан, енгилроқ ишлар билан шуғулланинг. Сешанба куни анчадан буён кўришмаган қариндошларингиз билан учрашишингиз, якшанбада эса уй ишлари билан шуғулланишингиз кутилмоқда.

ТАДБИР

Байрамга уланиб кетган мусобақа

Ўтган ҳафтада O`zLiDeP Мирзо Улуғбек туман кенгаши мажлислар залида коллеж ва лицейларда таълим олувчи ўғил-қизлар ўртасида шашка ва шахмат бўйича турнир бўлиб ўтди.

Мусобақада Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги мусиқа коллежи, International House-Tashkent махсус лицей-мактаби каби ўқув юртлари ўқувчиларидан ташқари, кузатувчи сифатида бир нечта университет талабалари иштирок этишди. 1 октябрь— Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлангани сабабли, тадбир давомида йигит-қизлар ижодий чиқишлар қилиб, устозларини айёмлари билан қутлаган бўлсалар, унинг якунида мусобақа ташкилотчилари бўлмиш туман кенгаши мутасаддилари ўз навбатида мусобақа ғолибларини қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирладилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси Фарғона вилоят филиали раиси Одилжон Ибрагимовга волидаи муҳтарамаси **Мўътабар ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Маъруфжон УСМОНОВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шуҳрат НОРГИТОВ
Шуҳрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОЙБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
КОТИБИЯТ 361-40-17
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 361-30-45
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 361-21-31
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 361-31-16
ФАКС: 361-33-80

Навбатчилар:
Т. МИРҲОДИВ
Ш. РАҲИМОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-1167
Тираж: 9980

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

©

XASR

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

ASR EXPRESS MEDIA
НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 79-28-71; 361-33-80

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)361-49-52
E-mail: milapress@yahoo.com